

Боқий фикр

Биз учун давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифа — нафақат маънавий етук, зукко ва билимдон, шу билан бирга, спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш — бу бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмас ягона мақсад бўлиши даркор.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 23-yanvar, chorshanba № 7 (8552)



ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИ — МАМЛАКАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ёшлар ижод саройида 22 январь кuni "Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий республика конференцияси бошланди. Анжуман Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ташкил этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси парламенти аъзолари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илмий ва маънавий-маърифий муассасалар мутахассислари, барча турдаги ўқув юртлири педагоглари, мамлакатимизнинг иқтидорли ёшлари вакиллари — давлат муқофотларига са-

зовор бўлган йигит-қизлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва махсус стипендиялар соҳиблари бўлган олий ўқув юртлири талабалари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Конференцияда мустақилликнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган фаровон демократик давлат ва жамиятни барпо этишга йўналтирилган туб ислохотлар сиёсатининг ўзига хос хусусияти унинг аниқ ижтимоий йўналтирилганлигида экани таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол — жисмонан соғлом, ақлан етук, нафақат кўплаб билимларни, ҳозирги даврда талаб кат-

та бўлган касб-хунарларни эгаллаган, айни пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам экани табиийдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳам-жамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

(Давоми 3-бетда.)

ТИЛ ЎРГАНИШ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўтган йилнинг сўнги ойида Президентимиз "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Қарорда чет тили таълими системасини такомиллаштиришнинг стратегияси, асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг ижросини бекаму кўст таъминлаш учун касбдошларимиз мунтазам изланишлари, ўз тажриба ва билимларига таяниш билан бир қаторда, хориждаги манбаларга ҳам мурожаат этишлари, халқаро миқёсда тўпланган тажриба натижаларидан унумли фойдаланишлари лозим. Бу, айниқса, чет тили таълимининг узлуksизлигини таъминловчи янги ўқув режалари, дастурлар ҳамда дарсликлар, бошқа турдаги ўқув материалларини тайёрлашда муҳимдир.

Ҳозирча амалиётда фойдаланилаётган дарсликларнинг кўпчилиги анъанавий кўринишда: улар асосида олиб борилаётган машғулотларда кўпроқ матнларни таржима қилиш, қайта ҳикоя қилиш каби топшириқларга ўрин берилган. Тил ўргатиш жусасидан илгор хорижий тажрибалар асосида тайёрланган ва хозирда мамлакатимиз таълим муассасаларида синовдан ўтказилаётган ўқув адабиётларининг талабаларга маъқул келаётганлиги сезилиб турибди. Ушбу адабиётларнинг бошқаларидан фарқи жиҳати шундаки, уларда

аниқлаш мезонларининг равшан эмаслигида ҳам намоён бўлади. Бироқ меъёрий ҳужжатларни қайта шакллантиришда хориж тажрибасига жуда эҳтиёткорона мурожаат этиш лозим. Чунки АҚШ, Канада, Япония, Россия каби мамлакатларда охириги ўн йиллик давомида амалиётга татиқ қилинган стандартларда ўртача билим даражаси билан тил таълимининг мақсад, вазифалари ва мундарижаси тавсифланади. Бизнинг мамлакатимизда эса, мазкур қарорда кўрсатилганидек, "ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш" системаси жорий этилмоқдаки, бу — ўртача билим даражаси билан қоникмаслиқни тақозо этади. Демак, хорижий тилда мулоқот юритиш қобилиятининг тўлиқ шаклланишини мақсад қилиб қўядиган стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, биринчи навбатда, Ўзбекистонда жорий этилган таълим системаси миллий моделининг талабларига мувофиқ равишда шакллантирилиши лозим.

(Давоми 5-бетда.)

ЭНДИ ИШИМ ОСОН КЕЧАДИ

Ёхуд ўзлаштириши қийин ўқувчилар билан қандай ишлаш зарурлиги хусусида

Иқтидорли ўқувчиларни мустақил иш билан банд қилиб, бўш ўзлаштирувчиларга вақт топиш йўлларини изладим. Уларнинг руҳиятини кўтаришга интилдим. Олайлик, эрталаб саломлашгандан сўнг "Дилхумор келдигми, қизим", "Абдулазиз шу ердами?", "Аҳмаддон бугун дарсда фаол иштирок этмоқчи, шекилли", дея уларга алоҳида эътибор кўрсатдим.

6

ЭРТАЛАБКИ БАДАНТАРБИЯ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАДИ?



16—19 ёшга бориб болаларда суяк ва мушакларнинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етади. Гавда вазини ортади, бўйи чўзилади, биллақлар куч-қувватга тўлиб, майда мушаклар ҳам интенсив равишда ривожланади. Шунингдек, ўсмирлардаги ривожланиш, асаб, юрак, қон-томир ҳамда нафас олиш тизимининг функционал ҳолати катталарга хос бўлган ўртача кўрсаткичларга яқинлаша бошлайди. Демак, бу ёшдаги ўсмирлар бажарувчи мустақил машқур ниҳоятда аниқ ва тўғри юк-ламалардан иборат бўлиши керак.

15

ЕХХТ делегацияси — Ўзбекистонда

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Бош котиби Ламберто Занниер раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, минтақавий муаммолар, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш масалалари ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг тадрижий ислохотларга асосланган ўз тараққиёт модели иқтисодиётни изчил ривожлантириш йўлида мустаҳкам пойдевор яратгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарши самарали курашиш ҳамда дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашга эришиш имконини бергани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мам-

лакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси изчил амалга оширилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон ташкилотларининг турли соҳалардаги имкониятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида биргаликда амалга оширилаётган йиллик лойиҳалар доирасидаги амалий ҳамкорликка устувор аҳамият қаратиши таъкидланди.

ЕХХТ Бош котиби Ламберто Занниер Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов билан учрашувлар ўтказди.

Музокараларда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам тизими шакллантирилгани, Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши учун барча қонуний асослар яратилгани қайд этилди.

ЕХХТ, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари бўйича юздан ортиқ асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тилига таржима қилинган ва катта тиражларда нашр этилди.

Ҳуқуқий ҳимояга оид мавзуларни ёритишга ихтисослашган ийгиридан зиёд юридик газета ва журналлар чоп этилмоқда. Оммавий ахборот воситалари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига ҳамшиша устувор аҳамият бериб келинмоқда.

Музокараларда Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасида қонунчилик, инсон ҳуқуқлари билан ҳимоя қилиш тизими соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— ЕХХТ Ўзбекистон билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, — деди Ламберто Занниер. — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик. Мамлакатингиз вазирлик ва идоралари вакиллари ЕХХТ томони-

дан ўтказиладиган конференция, форум, семинар ва тренингларнинг фаол иштирокчисидир. Ўзбекистон кўплаб соҳаларда улкан юксалишларга эришмоқда. Президент Ислам Каримов томонидан жорий йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилингани, олиб борилаётган бундай ислохотлар келажақда ўзининг улкан самараларини беради, халқ фаровонлиги янада ошадди. Ўзаро ҳамкорлигимиз эса бил сайн келгайиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишонаман.

Ламберто Занниер Тошкент вилоятининг Қибрай туманида Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва ЕХХТнинг қўшма лойиҳаси асосида ташкил этилган тивувчилик цехининг очилишида иштирок этди.

Шу кун ЕХХТ делегацияси мамлакатимизнинг бошқа бири қатор идора ва ташкилотларида ҳам учрашувлар ўтказди.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

2013-йил — Obod turmush yili

МАҲАЛЛАМИЗНИ ОЗОДА ВА ГЎЗАЛ МАСКАНГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Президентимиз раҳнамолигида ўзини ўзи бошқариш органларининг таъсири ва нуфузини оширишга қаратилган эътибор самарасида ҳудудни тоза-озода сақлаш, маҳаллани кўркем, файзли гўшага айлантиришда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг фаоллиги ортиб бормоқда. Ҳар бир хонадоннинг турмуш маданиятини белгилловчи асосий омиллардан бўлган орасалик бугунги кунга келиб юртимизда тобора кенг қулоч ёймоқда.

Давлатимиз раҳбари 2013 йилни мамлакатимизда Обод турмуш йили, деб эълон қилар экан, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти — бу, аввало, маҳаллани обод қилиш эканлигига алоҳида эътибор қаратди. Бу фикрнинг нақадар ҳаётий эканлигини маҳаллаларнинг янада обод ва кўркем бўлиб бораётганида яқин кўриш мумкин.

Бугунги кунда 900 оила истиқомат қилаётган маҳалламиз вилоятдаги энг обод маҳаллалардан бири ҳисобланади. Маҳалламизда аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва халқимиз қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ободонлаштириш ишларини барчанинг иштироки ва кўмагида ўтказишга катта эътибор қаратилаётгани тўғрисида қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Мустаҳкам оила йилида маҳаллани ободонлаштириш, ундаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида ҳудудимиз энг

яхши аҳоли яшаш масканларидан бири, деб эътироф этилди.

Маҳаллани обод қилишда ҳудуд аҳлининг ҳамжиҳатлиги, ўзаро меҳр-оқибати муҳим ўрин тутди. Зеро, аҳлилик бор жойда осойишталик, ободлик, хотиржамлик бўлади. Маҳалламизда бунга қатъий амал қиламиз. Фуқаролар йиғини қошидаги оқсоқоллар кенгашининг одамлар билан бамаънафат иш олиб бораётгани ҳар қандай муаммони ижобий ҳал этиш имконини беради.

Кейинги йилларда тўй-маракаларни ошиқча харажатларсиз, ихчам ва мазмунли қилиб ўтказиш мақсадида қўшни кўрган оқсоқоллар фаол иш олиб бормоқда. Масалан, илгари никоҳ тўйларида фотихадан ташқари хом нон синдириш, нон синдириш каби кўплаб ортиқча маросимлар ўтказиларди. Энди бундай йиғинларга чек қўйилди. Шунингдек, никоҳ тўйларида келиннинг уйига қатор қатор машиналарда боришга ҳам барҳам берилди. Бунинг ўрнига ёш оилага меҳел ва ошхона, уй-рўзгор анжомла-

рини олиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳалламизда ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар билан мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунинг самарасида айти пайтда савдо дўконлари, сартарошхона, тивувчилик цехларига асосан ёшлар ишга қабул қилинмоқда.

Хонадон ва кўчаларни ободонлаштириш, аҳоли ўртасида экологик маданиятни кучайтириш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилаётди. Жумладан, кейинги йилларда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида "Қушлар байрами", "Гуллар байрами" каби тадбирлар, оилалар ўртасида "Энг обод хонадон", "Гулзор ҳовли" кўрик-танловларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Мазкур тадбирлар орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ўзи яшаётган ҳудуд тозаллигига ҳисса қўшиш кўникмалари шакллантирилмоқда.

Обод турмуш йили бу борадаги хайрли ишлар кўламини кенгайтиришда, маҳалламизни янада обод ва фаровон масканлардан бирига айлантиришда биз, фаоллар зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Неъмат ОБОИЛОВ,
Жиззах шаҳридаги
"Ҳамзаобод" маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.
ЎЗА



Дарсинг ҳар дақиқаси ганимат. Бугунги машғулот кечагидан кўра қизиқарлироқ, фойдалироқ бўлиши керак. Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактабда ўтказилаётган тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ойлуги доирасидаги очиқ дарслар шу тарзда ташкил этилаётган.

— Жонли, қизиқарли очиқ дарс ва тадбирлар ўқувчиларнинг тарих фанини ўрганишга иштиёқини янада оширмоқда, — дейди мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Наргиза Зоидова. — Юқори синфларда ўтказилган "Ўзбекистоннинг тарихий обидалари" мавзусидаги очиқ дарс ҳам бунинг исботидир. Машғулотда ҳар бир ўқувчи фаол иштирок этиб, юртимиздаги қадимий ёдгорликларга оид билимларини намойиш этишга интилади.

Суратда: тарих фани ўқитувчиси Наргиза Зоидова томонидан ташкил этилган очиқ дарсдан лавҳалар ақс этган.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИ — МАМЛАКАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда юритилаётган кучли ёшлар сиёсати мустақкам ҳуқуқий асосга эга. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларида, ушбу соҳага тегишли 22 қонунда ўз ифодасини топган. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қабул қилинган дастлабки қонун ҳужжатларидан бири 1991 йил 20 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун эканлигида катта раъзий маъно бор. Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллий ва умминсоний қадриятлар, миллий истиқлол фанси, ўз Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат ва сародат руҳида тарбиялашга, уни ҳар томонлама — жисмонан, маънан ва руҳан баркамол этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган. Аини пайтда кўллаб мақсадли давлат дастурлари ҳам ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Бу борадаги ишларнинг юқори самарадорлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоат тузилмалари, шу жумладан, ўз сафларида 5,5 миллион йигит-қизни бирлаштирган "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ўртасида тобора кенгайиб бораётган ижтимоий ҳамкорлиги натижасида таъминланмоқда.

Конференция иштирокчилари шуни алоҳида таъкидлашдики, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланиши учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш бериш борасида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар халқимизга хос хусусият бўлиб, миллий табиатиимизнинг узвий қисмига айланган. Ҳар бир оилادا, ҳар бир маҳаллада, энг аввало, ёшларнинг саломатлигини таъминлаш, уларга яхши билим бериш, аини пайтда юқсак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга муносиб шахслар этиб вояга етказиш азалдан муҳим масала бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ушбу вазифалар Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бу эса барча соҳаларда юқсак ютуқларга эришиш имконини бермоқда.

Саломатлигини таъминлаш, узлуксиз таълим ва баркамол ёш авлоднинг тарбиялаш бўйича мамлакатимизда яратилган миллий моделлар бутун дунёда юқсак баҳоланмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг ноябрда "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофазат қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан бу борада амалга оширилган ишларга юқори баҳо берилди ва улар бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида эътироф этилди. 2012 йилнинг февралда пойтахтимизда ўтган "Юқсак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт"и халқаро конференциясида Ўзбекистонда яратилган узлуксиз таълим ва тарбия миллий тизими бошқа давлатлар учун эталон, деб эълон қилинди. Буларнинг барчаси, деб таъкидланди анқунда, Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, болалар ва ёшларнинг келажаги, демакки, мамлакат истиқболни ҳақида ғамхўрлик қилганидан давлат эканидан далоятларидир.

Мустақиллик йилларида демократик ва бозор ўзгаришлари талабларига мос равишда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Ушбу ниятда муҳим соҳадаги чукур ислохотлар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун, аини пайтда

қўлама, қамрови ва мақсадларига кўра ўта ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилди. Мамлакатимизда таълим шхс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳа, деб эълон қилинган. Мавжуд таълим муассасаларини давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилишдан ташқари МДХ давлатларида ўхшаши йўқ янги турдаги ўқув юртлири — касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилди. Шу тарзда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқлари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳар томонлама ижодий ривожлантиришга йўналтирилган узлуксиз ўқув-илмий-ишлаб чиқариш таълимнинг ноёб яхлит тизими шакллантирилди.

Конференцияда, ҳаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, таълимнинг барча босқичлари учун давр талабларига мос давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар ишлаб чиқилиб, жорий қилинган таъкидланди. Шунингдек, илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол усулларида кенг фойдаланилмоқда.

Ушбу йўналишда давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 1 июлдаги фармонида асосан ташкил қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Унинг фаолияти мамлакатимизда таълим тизимини янада такомиллаштиришга, барча ҳудудларда ўқув жараёнига замонавий ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш, ёш педагоглар ва олимларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини оширишга йўналтирилган. Олий, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва мактаблар ходимлари учун ўнлаб кундузги ва масофавий таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги пайтда жамғарманинг фақат кундузги курсларида 10 миңдан зиёд педагог ва илмий кадрлар ўз малакасини оширди.

"Истеъдод" жамғармаси қошида Масофавий таълим маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда дунё стандартлари талабларига мос масофавий тарзда малака ошириш тизими яратилган. Ушбу тизим фаолияти Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, марказ ўз веб-сайти ёрдамида ахборот технологиялари ва масофавий таълим, маънавий ва маърифат, инновацион технологиялар, тарбиявий ишларни ташкил қилиш, таълим муассасаларини бошқариш каби йўналишларда масофавий тарзда малака оширишни йўлга қўйди.

Конференция иштирокчилари таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг ҳаҳон майдонидаги нуфузи ва рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юқсальтиришга боғлиқ. Шу сабабли иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга, ёш авлоднинг замонавий дунёқарошини, ижодий ва шахсий хусусиятларини миллий ва умминсоний қадриятлар асосида таълим шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган бўлиб, унга ўқишда, ижодий ва жамоат ишларида қатна ютуқларга эришаётган қизлар муносиб кўрилади. Санъат соҳасидаги ютуқлари учун энг иқтидорли ёш рақосалар, мусиқачилар ва хонандаларга "Нихол" мукофоти берилади. "Янги авлод" ва "Келажақ овози" республика танловлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистондаги ёшлар сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этишдир. Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Давлат стипендияларига ўқишда ва жамоат ишларида юқори натижаларга эришаётган ёшлар сазовор бўлмоқда. Шунингдек, бир қатор махсус стипендиялар таъсис этилган. Ёшлар салоҳиятини ривожлантириш борасидаги бундай ғамхўрлик ўз самараларини бераётир. Бу, жумладан, ҳар йили ўтказиладиган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ёш олимлар ва талабалар томонидан тақдим қилинаётган истиқболли янгиликлар сони тобора ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Конференцияда таъкидланганидек, ўқув юртлири, биринчи навбатда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Муайян ишлаб чиқариш корхоналари ва тармоқлар учун мақсадли равишда кадрлар тайёрлаш кенг қўлланилмоқда, ўқув юртлири, корхоналар ва ўқувчилар ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланмоқда ва бу битирувчиларнинг келгусида иш билан таъминланишини кафолатлайди. Шу мақсадда касб-хунар коллежларининг иш бериш корхоналар билан кооперация алоқаларининг бошқа шакллари ҳам фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили миңлаб иш ўринлари ташкил қилинади, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда репродуктив саломатликка ҳам катта эътибор қаратилаетир. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини жорий қилишга бағишланган кенг қўламли тушунтириш ишлари йўлга қўйилган, уларда тиббий ходимлари билан бирга Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари, касба уюмлари ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Репродуктив саломатлигини таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДХ давлатлари учун энг яхши худудий дастур сифатида тавсия қилинган.

Соғлом турмуш тарзини, аввало, болалар ва ёшлар ўртасида шакллантиришда кўп жиҳатдан уларни оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш муҳим ўрин тутди. Республика спорт мусобақаларининг уч босқичли тизими мактаб ўқувчиларининг "Умид кўнчалари", академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" беллашувлари ва талабалар ўртасидаги Универсиада мусобақаларини ўз ичига олади. Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир туманида, ҳатто, энг олис худудларида ҳам жиҳозланиши жиҳатидан хорижда энг илғор спорт майдонларидан қолишмайдиган замонавий спорт иншоотлари барпо этилган.

Йил сайин ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун янада қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларга зарур ёрдам қўрсатиш, амалий рағбат ва барқарор дармад манбаларини шакллантириш механизмини яратиш, уларнинг турар-жой ва маийш шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида 2007 йил 17 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қуватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Ҳар бир худудда янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз бизнесини ташкил этиши учун микрокредитлар ажратиш ишлари кучайди. Бугун Ўзбекистонда ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш орқали ўй-жой сотиб олиш ёки қуришда, рўзғорини бутлашда ҳар томонлама ёрдам қўрсатилмоқда.

Умуман олганда, конференцияда таъкидланганидек, мамлакатимизда халқимизга хос юқсак маънавий қадриятлар ва энг яхши анъаналар руҳида камол топаётган, Ватанимиз тақдири, унинг келажаги ва эртанги кунига масъуллиқ туйғусини теран англайдиган, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ҳаётимизнинг барча жаҳаларини ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича тобора жадаллашиб бораётган ишларга ўз хиссасини қўшиш мақсадида ўқишда, ишда катта ютуқларга эришишга интилаётган барча йигит-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг раиси Б.Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари И.Мирзаалиев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси ижрочи директори А.Пардаев, Республика педиатрия иктисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказининг катта илмий ходими Н.Алиева, Тошкент давлат юридик институтининг магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳибки Э.Ҳамроев, Тошкент давлат педагогика университетининг профессори Э. Юзликюева ва бошқалар ана шулар хусусида сўз юритди.

Конференция иштирокчилари ўз чиқишларида таъкидлаганидек, аини пайтда давлатимиз раҳбари томонидан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Бу, биринчи навбатда, йигит-қизларимизнинг олимжон интилишларини рўёбга чиқариш, жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожланишида иштирок этишида барча ёрдамни кўрсатиш билан боғлиқдир. Шу муносабат билан бугунги кунда ёшларда халқимизга мутлақо ёт бўлган турли оқимлар ва таъсилларга қарши мустақкам мафзуларий иммунитетни шакллантириш долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Ёшларимизнинг улкан салоҳиятини ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун уларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик каби соҳалардаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистонда кучли ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат тузилмаларининг ижтимоий шериклигини мустақкамлаш ва ривожлантириш зарур. Аини пайтда алоҳида таъкидландики, Президентимиз томонидан қўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ёш авлод зиммасига залворли масъулият юқлайди, ёшларимиздан халқимиз олдида турган юқсак мақсадларга эришишда янада фаоллик кўрсатишни талаб этади.

Конференция иштирокчилари Ёшлар ижод саройида ташкил қилинган қўлғазма орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг натижалари билан танишди.

Конференция иши секция мажлисларида давом эттирилди.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситқонова, А.Икромов иштирок этди.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Yangiliklarda yurt nafasi



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Олтин қалам" танлови голибларини мукофотлаш, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилади. Аъёнага кўра, бу йил ҳам бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан турли мукофотлар таъсис этилган.

Халқаро танлов голиблари 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни эълон қилинади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳудудий ва туман фермерлар кенгашлари аъзолари учун ўқув-семинари ўтказилди.

Ўқув-семинар машғулоти тегишли вазирлик ва давлат қўмиталари вакиллари, олимлар, олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари, иқтисодчи ва ҳуқуқшунослар ҳамда соҳага алоқадор мутахассислар томонидан олиб борилди. Ўқув давомида фермерлар кенгашлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари, фермерлик ҳаракати-га оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан маъруза ва тавсиялар тинланди. Бу борада олиб борилётган ишлар таҳлил этилиб, илгор фермерлар тажрибаси ўрганилди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат муסיқали театри биноси реконструкция ишларидан сўнг бутунлай янгича қиёфа касб этди.

Театрнинг ижодий жамоаси янги мавсумни янгилашган бинода "Алпомиш" спектакли билан бошлади.

Нуқусдаги бу санъат қошонасини миллий ва замонавий услубда реконструкция қилиш лойиҳаси Бердақ номидаги давлат мукофоти совриндори, "Архторус" хусусий ижодий устанонаси раҳбари Ўринбой Тўраниёзов етакчилигидаги бир гуруҳ меъморлар томонидан ишлаб чиқилди. "Ремонт-электромонтаж" таъмирлаш-қурилиш корхонасининг моҳир қурувчилари ушбу лойиҳани муваффақиятли амалга оширди.

— Театр биносининг ташқи томонлари замонавий қурилиш материаллари асосида бутунлай қайта реконструкция қилинди, — дейди қурилиш корхонаси раҳбари Жўлимбет Камолов. — Бино ичкараси миллий нақшлар билан безатилди. Томоша залига ҳавони мўътадил сақлаб туриш учун замонавий совитгич ва иситгич мосламалари ўрнатилди, ўриндиқлар, саҳна безаклари янгиланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Ёшлар ижодида оила мавзуси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Оила — менинг кутлуг боғим" ёшлар баёзининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда чоп этилган мазкур тўпламдан юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб, ўқиб-изланиб, ижод қилаётган ёш ижодкорларнинг шеърлари ўрин олган.

Тақдимот аввалида уюшма томонидан ташкил этилган "Энг яхши асар" танлови голиблари тақдирланди. Шундан сўнг ёшлар баёзи

лқин этиш баробарида энди ижтимоий мавзуларга, айниқса, оилага кўпроқ мурожаат қилмоқда. Ўз ижод намуналари орқали атрофдагиларни огохликка, дахлдорликка чакирмоқда.

Ёшларимизнинг бир-биридан долзарб, муҳим мавзуларда дадил фикрлар билан чиқайтгани бу баёзда яна бир бор ўз аксини топган. Тақдимот ёшлар мушоирасига улашиб кетди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Тақдимот

бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Бундан бир неча йил олдин ёшлар кўпроқ севги-муҳаббат, ҳижрон мавзуларида қалам тебратишга ўч эди, — дейди шоира Қутлибека Раҳимбоева. — Тўпламни ўқиб шундай ҳулосага келдимки, бугунги ёшлар туйғуларни та-

Маҳоратли ўқитувчилар рағбатлантирилди

Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг методика маркази билан ҳамкорликда бошланғич таълим йўналишидаги фанлар бўйича олиб борилган ишларнинг 2012 йил якунлари ва жорий йил вазифаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир



— Йил давомида тадбирларда фаол иштирок этган илгор тажрибали ўқитувчилар рағбатлантирилиб, келгусида яхши ишлашларига иштиёқ уйғотилди, — дейди методика маркази методисти Дилфуза Тошмухаммедова. — Шунингдек, "Энг намунали очик дарс", "Энг яхши мақола муаллифи", "Энг яхши дарс ишланмаси" номинациялари бўйича ҳам голиблар аниқланди, фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди.

Тадбир якунида Ҳамза туманидаги 282-, Сергели туманидаги 284-, 300-мактаб ўқувчилари, "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали голиблари ихросида қўшиқ ва рақслар намойиш этилди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Мурғак қалбларга зиё улашиб...

Ўқитувчилик — машаққатли, шу билан бирга, шарафли касб. Энди мактаб остонасига қадам қўйган мурғак қалбларга харф ўргатишнинг масъулияти эса янада улкан.

Чирчиқ шаҳридаги 7-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Машқура Туманова ҳам салкам ўттиз йилдан буён ўқувчиларга таълим бериб келаётди. У қанчадан-қанча ўғил-қизларга харф танитибгина қолмай, уларни маърифатга ошно этиб тарбияламоқда. Муаллима ўқувчиларни доимо мустакил фикрлашга, ижодий изланишга ундайди.

Машқура Туманова ўқувчиларга пухта билим беришга интилади, улардан меҳрини, эътиборини аямайди.

Суратда: Чирчиқ шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Машқура Туманова 2-синф ўқувчиси Севинч Фозиёва билан индивидуал ишлапти.



ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юсак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шaroит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнига бағишланган бу танловга 2012 йилнинг 31 мартдан 2013 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газет ва журналлардан чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2013 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов голиблари учун қўйдаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида беш миллий мукофот. Голиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал

статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови голибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишида бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиозастиштирилшар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки

Diqqat, tanlov!

қўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қўйилдагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар-жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов голибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни — 2013 йил 3 майда танталани равишида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қўйдаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30, 35-хоналар.
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шундан келиб чиққан ҳолда, бу турдаги ўқув жараёнини меъёрлаштирувчи ҳужжатларнинг янгилигида лисоний ва маданиятга оид билимнинг уйғунлиги, чет тили воситасида ўқувчи коммуникатив қобилиятини ривожлантириш имконияти мавжудлиги каби омиллар ҳамда чет тилининг ўқув предмети сифатида кўп босқичлик ва кўп вазилавийлик (полифункционаллик) хусусиятларига эга эканлиги инобатга олиниши зарур.

Қарорда режалаштирилётган вазилавларнинг ижроси чет тилини билиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш даражасини белгилашга амалда бўлган ўқув-предметлик нуктаи назардан ёндашиш аънанасидан воз кечиб, асосий мезон сифатида тил таълимининг ҳар бир алоҳида шахс интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси танланишини талаб қилади. Чет тилини ўрганиш коммуникатив малакани шакллантиришдан ташқари, маданиятларни қиёслаш йўли билан миллатлар, алоҳида шахслар дунёқарашлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш ва шу йўсинда танқидий тафаккур юритиш қобилиятини ривожлантиришга муҳит яратиши шарт.

Замонавий таълимнинг мақсади ўзгача кўриниш олмоқда, унинг асосий стратегик йўналиши "бутун умрга етадиган bilim"ни бериш эмас, balki "умр бўйи bilim olish"га айланди. Жаҳонда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ахборот системаларининг ўта тезкорлик билан ривожланиб бориши ушбу принципнинг янада фаоллашувига сабаб бўлмоқда. Умр бўйи bilim тўплаш учун унинг манбаларини излашга тўғри келади. Замонамизнинг асосий ахборот манбаи интернет ва бошқа электрон системалар бўлиб қолганлигини таъкидлашга ҳолат йўқ. Маълумотларга кўра, мавжуд ахборотнинг 90 фоизи рақамли форматда, компьютер тармоқларида сақланмоқда. Демак, умр бўйи ilm излаш измида юрадиган шахс электрон манбаларга мурожаат қилишга мажбур. Электрон форматда сақланган ахборотларнинг 75 фоизи инглиз тилида битилганлигини инобатга олсак, бу тилни доимий ўрганишга эҳтиёжнинг чексизлигини тўғри англаган ҳамда бошқаларга ҳам аниқ тушунтирган бўлардик.

Хусусан, олий ўқув юрларида айрим махсус фанларнинг шу тилда ўқитилиши белгиланган бўлиши бунинг яққол исботидир. Чет тили касбий тайёргар-

лик савиясини оширишнинг ҳал қилувчи воситаларидан бири. Бундан ташқари, мамлакатлар иқтисодиётида табиий ресурслардан ташқари, фуқароларнинг билим захираси ҳам ўз ўрнини топмоқда. Даромад бозори худудининг бунчалик кенгайишида йнглиз тилининг ўрни, албатта, алоҳидадир. Япония, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Малайзия, Сингапур каби Осиё ва бир қанча Европа мамлакатларининг айрим университетлари инглиз тилида ўқитиладиган предметлар, курслар кўламини кенгайтириб бормоқдалар. Ўзбекистон ўқув юрларига ҳам таълим мундарижасига баъзи бир зарурий ўзгар-

культетлар, ўқув юрларида ўқитиш стратегияси яратилиши ва меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, ўқув дастурларини оптималлаштириш, таълим муҳитига мослаштириш лозим бўлади.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб, мажбурий таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўрганиш тўлиқ жорий этилиши билан 12 йил давомида ўқувчиларнинг лисоний қобилиятлари, нутқий мулоқот кўникмаларини мукамал даражада шакллантириб улгурис назарда тутилмоқда. Шундай экан, олий ўқув юртидаги чет тили таълими батамом мутахассислик соҳасига оид тил билимини

ТИЛ ЎРГАНИШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

тиришларни киритиш ва ўз махсулотини умумжаҳон "таълим бозори"га тақлиф этишнинг мавриди келди. Юртимиз таълим даргоҳларида ўзига хос инновацион курслар, бошқаларда учрамайдиган методикалар мавжуд бўла туриб, бу бозордан "куруқ" қолишимиз замонавий тадбиркорлик амалларидан беҳабарлик ва улардан тўғри фойдалана олмаслик хавфини тугдиради. Инглиз тилида ўқитиладиган курслар микдорининг кўпайтирилиши, шубҳасиз, таълим нуфузини халқаро миқёсда янада оширишга, унинг рақобатбардорлигини кучайтиришга, миллий маданиятимизни, узок тарихга эга илмий бойлигимизни дунёга тарғиб қилишга ҳам имкон тугдиради.

Тан олиб айтиш керакки, бу мақсадга эришиш осон эмас. Бунинг учун ҳали кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Фикримизча, айрим предметларнинг инглиз тилида ўқитилишини магистратура босқичидан бошлаш маъқул. Биринчидан, магистратурада таҳсил олаётган ёшларнинг тил билиш даражаси нисбатан юқори бўлса, иккинчидан, хорижлик талабалар ва мутахассисларни кўпроқ қисқа муддатли курслар жалб қилади. Аммо ушбу курсларни ташкил этишдаги энг катта муаммо кадрлар масаласи билан боғлиқдир. Олдимизда ўз соҳасининг билимдон бўлиш билан бирга, инглиз ва бошқа чет тилларида илмий мулоҳаза юрита оладиган, мутахассисликка оид билимини эркин баён қила оладиган ўқитувчилар корпусини шакллантириш вазилавси турибди. Авваламбор, чет тилини турли йўналишлардаги фа-

шакллантиришга қаратилиши лозим. Профессional нутқ қобилиятига эга бўлган шахс эса келажақда махсус курсларни бемалол чет тилида ўқий олади. Бундай кадрларни тайёрлашга жалб қилинаётган чет тили ўқитувчилари ҳам махсус малака ошириш курсларини ўташлари, муайян соҳага оид матнлар билан танишиш ва улардаги терминлар ҳамда фаол лугавий-фразеологик бирликлар қатламини тўлиқ ўзлаштиришлари керак бўлади. Ўқув жараёнини ташкил этишда махсус кафедралар аъзолари билан ҳамкорликда ишлашга тўғри келади, уларнинг ёрдамисиз ўқув материални танлаш, талабаларнинг касбий билим даражасини аниқлаш қийин кечади.

Ниҳоят, чет тилларни ўрганиш жараёнини жадаллаштиришнинг энг муҳим омилли ўқини илгор ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш эканлиги қарорда бир неча бор таъкидлангани алоҳида аҳамиятга моликдир. Ахборот-коммуникатив технологиялардан фойдаланмасдан туриб, тил таълимини замонавийлаштиришнинг имкони йўқ. Бу турдаги технологиялар тил ўрганувчиларнинг ўз устозлари ва бошқа ўқувчилар, Ер шарининг турли нукталарида яшаётган тенгдошлари, тил соҳиблари билан бевосита мулоқотга киришини таъминлайди; ўқувчи интернет манбаларига мурожаат қилиб, қисқа муддатда аслиядаги газета, журнал, китоблардаги материал билан танишиш имконига эга бўлади. Бироқ ўқув жараёнини компьютерлаштиришдан олинмайдиган фойда самарали бўлиши

учун уни тил таълими педагогикасининг ва лингводидактикасининг умумий системасидаги бошқа бўлақларга муқобил равишда жорий этиш эҳтиёжи туғилади. Педтехнологиялар системаси қисмлари яхлитликини ҳосил қилмаган тақдирда, бирор янгиликнинг жорий этилиши кутилган натижани бермаслиги аниқ. Хуллас, ахборот-коммуникатив технологияларнинг чет тили ўқитиш жараёнига татбиқ қилиниши янги интегртив жараён бўлиб, унинг яхши ўйланган дидактик асосга эга бўлиши кенг миқёсда қулайликлар туғдиради ва ўқув жараёнини таълим турларининг мақсадига, шартларига мослаш-

эришиш қийин масала. Бунга яна чет тилини мукамал даражада билиш талаби қўшиладиган бўлса, масала янада мушуқлашади. Шу хилдаги қийинчиликлар, вақт бюджетдаги танқисликни бартараф этишда ахборот ва медиа технологияларининг гоят қўл келиши алоҳида изоҳни талаб қилмас керак. Охириги йиллари чет тиллари ўқитувчиларининг лаҳжасида "мустақил иш" тушунчаси мустақамланиб бораётганлигига қарамаздан, уларнинг баъзилари ҳануз бу ишни қандай ташкил қилиш йўлини билмай турibdilar. Уларга маслаҳатимиз: ахборот технологияларини таълим амалиётига татбиқ этиш устида бош қотиринг — муаммодан кутуласиз.

Эълон қилинган қарорнинг алоҳида бандида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилини ўқитиш системасини қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш топшириги берилган. Ушбу топшириқ кескин долзарблашган муаммолар ечимини излашга қаратилган яна бир ундовдир. Мустақилликнинг илк йиллари вилоятларда ташкил топган чет тилларини ўргатиш марказларининг бу борадаги фаоллиги кейинги пайтлари сезилмай қолди, уларнинг ҳозирги фаолияти абитуриентларни тест синовларига тайёрлаш билан чекланиб қолган, ташкилот ходимлари ва турли ёшдаги фуқароларни шартномалар асосида ўқитиш амалиёти қарийб кўринмайди, уларнинг ўқув материаллари ва электрон жиҳозлар билан таъминланиши суст. Шуларни инобатга олиб, вилоятлардаги барча университетларда янги шаклдаги ўқув марказларини ташкил қилиб, асосий вазилавни чет тилларини масофавий, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўргатишга йўналтириш мақсадига мувофиқ бўлар эди, деб ўйлаймиз. Бунинг учун, албатта, янгидан ташкил этилаётган марказларга масофали таълим методикасидан етарли даражада хабардор, шу турдаги таълим материалларини тайёрлаш ва масофадаги ўқув жараёнини бошқариш қобилиятига эга бўлган, инглиз тилини пухта ўзлаштирган раҳбар ва мутахассисларни жалб қилиш керак бўлади.

Шахриёр САФАРОВ,
философия фанлари
доктори,
СамДУ профессори,
Мухаммаджон
ХОЛБЕКОВ,
философия
фанлари доктори,
ЖДПИ профессори



O'rgan-o'rgat

Мамлакатимизда ҳар бир ўқув йили таълим самарадорлигини оширишга қаратилган янги-янги тавсияларни амалиётга жорий этиш билан бошланади. "Ўрган-ўргат" тадбирлар мажмуаси ҳам олдинги йиллардаги изланишларнинг узвий давомидир.

Ушбу тавсиянинг Хоразм вилояти Кўшкўпир туманидаги умумтаълим муассасаларига татбиқ этилиши натижасида мактаб раҳбарлари учун ибрат олиш ва таққослашга асосланган амалий тажриба алмашув муҳити юзга келди. Масалан, бир мактабда қишқи мавсумга яхши тайёрлангани, жамоада соғлом муҳитнинг барқарорлиги, маҳалла ва ота-оналар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани боис, ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи ва даволат юқори, тозаллик ва ободонлаштириш ишлари жойида, тўғарақлар фаолиятидан самарали фойдаланилмоқда. Иккинчи мактабда эса жамоа уюшмаган, раҳбарлар ўртасида тушунмовчилик мавжуд, таълим жараёнида ижодкорлик руҳи сезилмайди... Ана энди иккала директорнинг ўзаро тажриба алмашувида кейинги ҳолатни тасаввур қилинг.

ТАЖРИБА АЛМАШИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

"Ўрган-ўргат" тадбирлар мажмуи соғлом муҳит шароитида амалга оширилгандагина қутилган самарани беради. Ҳақиқат, бир-бирини текшириш, камчилик топиш, танбеҳ бериш ёки кимдир камситишни кўзлаб эмас, балки таълим-тарбия жараёнида юқори босқичга кўтариш учун дўстона, беғараз ва самимий муносабатлар асосида ҳамкорлик қилиш зарур. Жумладан, Кўшкўпир туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили ўқитувчиси Хурмағо Раҳматуллаева "Ўрган-ўргат" тадбирлар мажмуи туфайли муаллимлар орасида ўз касбий маҳоратини ошириш бўйича ижодий мусобақа муҳити пайдо бўлганини таъкидлайди. Шу мактабининг математика фани ўқитувчиси Назоқат Раҳмонова 22-умумий ўрта таълим мактабида дарс ўтиби, янада изланиши, ўрганиши, ўз устида кўпроқ ишлаши кераклигини ҳис этди.

— Бегона муҳитда ишлаб кўриш ўзингни тафтиш қилишга ундар экан, — дейди 12-умумий ўрта таълим мактабида дарс берган 52-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси Фазилат Бобонова.

Айрим ўқитувчилар ўқувчиларнинг тарқок диққатини бир жойга жамлаш учун ортиқча вақт сарф қилганини таъкидлади. Ўқувчилар билан суҳбатда эса "Фалон мактабининг ўқитувчиси мавзуну зўр тушунтирар экан, аммо фалон мактаб ўқитувчисининг дарсидан зерикдик" қабилидаги фикрлар ҳам эътиборимизни тортди.

Хулоса қилиб айтганда, "Ўрган-ўргат" тадбирлар мажмуаси ўзаро тажриба алмашининг самарали усули бўлиб, таълим тизимида ижодкорлик ва ўзига талабчанлик муҳитини шакллантирмоқда.

Умид ИСМОИЛОВ,
халқ таълими аълочиси

ИБРАТЛИ ОНАЛАРГА ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

Қиз болани тарбиялаш, ҳаётга тайёрлаш, муносиб касб-хунар танлашга кўмаклашиш ҳар доим ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бу борада оила-таълим муассасаси-маҳалла ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактабда бўлиб ўтган "Қиз боланинг касби — унинг бахти" мавзусидаги тадбирда юқоридаги маззулар атрофида муҳокима этилди. Унда тумандаги "Раҳбар аёллар" клуби аъзолари, Тахтағул маҳалласи фаоллари ва битирувчи синф қизларининг оналари иштирок этди.

Тадбирда дастлаб мактабнинг "Ораста қизлар" тўғараги аъзоларининг қўл меҳнати намуналари намойиш этилди. Шундан сўнг асосий мавзу — қизларнинг касб-хунар танлашида оила, мактаб ва маҳаллада олиб борилаётган ишлар, оила ва жамоат ишларидаги фаоллигини таъминлаш хусусида фикр алмашилди.

— Қизим Шахло ҳозир 9-синфда ўқияпти. Ҳадемай мактабни битиради. Унинг келажакда қандай касбни танлаши бизни жиддий ўйлашга ундайди, — дейди Дилноза-хон Собирова. — Бу борада мактаб ўқитувчилари, психологлари билан ҳамкорликда иш юритишни маъқул топдик ва натижада қизимизга мос касб-хунар коллежини танлашга эришдик.

Тадбир якунида жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётган аълочи қизларнинг оналарига мактаб маъмуриятининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мавлуда МИРЗААХМЕДОВА

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ЭНДИ ИШИМ ОСОН КЕЧАДИ

ёҳуд ўзлаштириши қийин ўқувчилар билан қандай ишлаш зарурлиги хусусида

Ўқувчини ҳам ақлан, ҳам маънан ривожлантиришни мақсад қилган педагог, дарсини замонавий талаблар даражасида ўтишга интилади. Айниқса, мактабга биринчи бор қадам қўйган боланинг руҳиятидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаб, шунга мос равишда муносабатда бўлиш бошлангич синф ўқитувчисидан катта масъулият талаб қилади. Синфдаги турли ақлий салоҳиятга эга болалар билан индивидуал ишлаш, айниқса, паст ўзлаштирувчиларга кўмаклашиш ўқитувчидан сабр-тоқат, касбий маҳорат талаб этади. Узоқ йиллик тажрибада бу жиҳатларни шахсий қридага айлантирганман. 4-синфдаги 25 нафар ўқувчимни 2008-2009 ўқув йилида 1-синфга қабул қилгандим. Ишни аввал уларни мактабга мослаштиришдан бошладим. Ўқув йили арафасида 72 соатлик бепул тайёрлов гуруҳи ташкил этдим. Машғулотлар орқали уларнинг иқтидорини аниқлаб, характерини ўргандим.

Ҳамкорликдан муваффақиятга

Ҳар бир синфда бир ёки икки нафар паст ўзлаштирувчи ўқувчи бўлганидек, тайёрлов гуруҳида ҳам тўрт нафар оғзаки нутқи яхши ривожланмаган, диққати тарқок болалар борлигини сездим. Улар дарсда эътиборсиз ўтиришар, синфдошларига унчалик қўшилишмасди. Бошқа тенгдошлари каби дарсга қизиқтириш учун уларнинг ҳар бири билан индивидуал шуғулландим.

Ўқув йили бошланганда эса ўқувчиларнинг ота-онаси билан суҳбатлашдим. Бу орқали болалар тарбияланган оилавий муҳит, шарт-шароит билан танишдим. Ўқишга қўйналаётган ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратдим. Мисол учун Хумора исмли ўқувчим кўрган нарсаларинингидея идрок қилар, жуда паришонхотир эди. Ота-онаси билан ўтказган суҳбатдан маълум бўлдики, у ёшлигида жуда кўп касал бўлган экан.

Дарс жараёнида бундай болалар билан ишлаш кўп вақт талаб қилиши боис, иқтидорли, қобилиятли ўқувчиларга эътибор қаратдим. Муаммони ҳал қилиш учун болаларни қобилиятига қараб гуруҳларга бўлиб олдим. Иқтидорли ўқувчиларни муस्ताқил иш билан банд қилиб, оралиқда бўш ўзлаштирувчиларга вақт топиш йўлларини изладим. Уларнинг руҳиятини кўтаришга интилдим. Олайлик, эрталаб саломлашгандан сўнг "Дилхумор келдингми, қизим", "Абдулазиз шу ердими", "Аҳмаджон бугун дарсда фаол иштирок этмоқчи, шекилли" дея уларга алоҳида эътибор кўрсатдим. Ёки ҳар кун даволатни аниқлагандан сўнг: "Кеча келмаганинг учун сени соғиндик", дея болани ўзимга, ўртоқларига ўргатдим.

Tajriba

Қизиқишларни аниқлаш лозим

Иқтидорсиз бола бўлмайди. Фақат иқтидорни аниқлай олиш ва қўлаб-қувватлаш лозим. Масалан, математикага мойиллиги бор боландан синфдаги ўқувчилар сони, қизлар нечталиги, гуллар ҳисобини сурайман. Ёзувдан қийналаётган ўқувчига эса: "О" ҳарфини ҳаммадан зўр ёзасан. Қани, доскага чиқиб "она" сўзини ёзгин-чи, дейман. "Онангни яхши кўрасанми, она ҳақида битта шеър ёдлайсанми, бугун дарсдан сўнг сенга шеър ўргатаман, кетиб қолма", дейман. Шу тарика шеър ёдлатиш босқичи ҳам бошланади. Бундай муносабат самимий ва ишончли бўлмоғи лозим. Ўқувчиларнинг кичик ютуғини ҳам катта муваффақиятдек эътироф этиш яхши самара беради.

Оз-оз ва соз билим

Ўқишга қизиқмайдиган болага оз-оздан йўналтирилган ҳолда билим бериш керак. Чунки улар кўп вазифаларни бажаришга ва ўзлаштиришга қийналади. Натижада янада бефарқ бўлиб қолади. Шунингдек, уларда тушунчаларни шакллантириш учун қуруқ гапириб, изоҳ бериш натижасиз бўлади. Шу боис, "О" ҳарфини ўтганда, албатта, олмани кўрсатиш, қўлига ушлаштиш керак. Ҳатто бола еб қўриб бунини сезиши, таъминини билиши ва ҳидлаши лозим. Кўзгуга қаратиб "О" ҳарфини талаффуз қилдириш ва озининг шақли о га ўхшашини таъкидлаш зарур. Бериладиган билим образли бўлиши шарт. Математика дарсида 1 дан 10 гача бўлган сонларни ўргатишда қийналдим. Чунки бочгага бормаган ўқувчиларни сонларни чалқаштиришарди. Шунда рақамлар устига турли ҳай-

вонлар ёки сабзавотлар расмини ёпиштириб қўйдим. Улар биринчи қувён, иккинчи типратикан, учинчи тошбақа... турганини тезда эслаб қолиши. Шундай йўл тутилганда янги маълумотлар болалар хотира-сига тез ўрнашади.

Бошлангич синфда ўқийдиган болаларга ҳеч эътибор берганимиз, улар дарсдан кейин синфдошларидан ажралиб, уй вазифасини бажаришни ҳушламайди. Бу ҳолат дарс тайёрлашдан қочиб эмас, балки тенгдошларидан айрилишни истамаслик натижасидир. Болалардаги бу ҳислатдан ҳам унумли фойдаланиш, дарсдан кейинги кўшимча машғулотларни ташкил этиш лозим, деб ўйлайман. Ҳаммага бир хил вазифа бериб, ўзлаштиришдан ортда қолаётганлар учун кичик доскага оsonроқ ечиладиган мисоллар ёзиш мумкин.

Ўйин билимга йўл очади

Ўйин-мусобақа дарси ҳам ўқувчиларни фаоллаштиришига амин бўлдим. Масалан, "Бўғирсоқ", "Шолгом", "Хумча" каби эрталар билан айта бошлайман. Воқеалар ривожини яхши давом эттира олмаса ҳам, энг аввал сўз ўйин-қизлардан сурайман. Уларни зерикмай тинглаш, хатоларини ҳадеб юзига солавермаслик ҳам шахсий ишончнинг орттириши экан. Ишонч аломатлари сезилиб қолган эса, секин-асталик билан ўз муаммоларини ўзи хал этиши учун ҳаракат қилиши кераклигини ўқитиришим. Ташкилий ишларга ҳам хоҳишига кўра вазифани бериб жалб қиламан.

Эришилган натижа

Тўрт йил мобайнида алоҳида методика асосида мунтазам иш олиб бориш натижасида қўзланган мақсадга эришдим. Нимжон, хотира-сиз сўз, оғзаки ва ёзма нутқи етарлича ривожланмаган болалар ҳам яхши ўқийдиган тенгдошлари билан тенглашиб олди. Уларда муस्ताқил ишлаш кўникмаси пайдо бўлди. Бошқа болалардай иқтидорини намойиш қилишга интилиш-япти. Ҳатто ёдлаган шеърини мавзуларга ажратади. Топишмоқ ва мақолларни ёд олишга қизиқади. Тадбирларда ҳам фаол.

Ҳозир ўқувчиларим бўш қолишми кутади. Тушунмаган мавзуларга юзасидан ёрдам сурайди. Демак, бола кўнглига йўл тополдим, деб ўйлайман. Энди ишим анча осон кечади.

Мусаллима АБДУРАҲИМОВА,
Қўронтөпа туманидаги
22-мактаб ўқитувчиси

Ўқувчиларни касблар олами, замонавий хунарлар, кичик мутахассислар тайёрлаш тизими билан таништиришда умумий ўрта таълим ўқув фанларини ишлаб чиқариш корхоналаридаги амалиёт билан боғлаган ҳолда ўқитиш яхши самара бериши сир эмас. Айниқса, йигит-қизларни касб-хунарга йўналтириш ишлари меҳнат таълими дарсларида амалга оширилса, бу жараённинг янада самарадорлиги таъминланади. Машғулотларда ўқувчилар қизиқишини ошириш учун фаол ўқитиш усуллари, ноанъанавий дарслардан фойдаланиш, интерфаол методларни қўллаш муҳим.

Ушбу ноанъанавий конференция дарсидан фойдаланиб, меҳнат таълими фани ўқитувчилари машғулотлар янада қизиқарли бўлишига эришадилар, деган умиддамиз.

Конференция дарси куйидаги йўналишларда бўлади:

а) анъанавий шаклдаги конференция дарси;

б) максум мавзунини илмий жиҳатдан ўрганиш;

в) касбга қизиқтириш дарси.

Конференция дарси ўқувчиларнинг мустақил ишлашига, янгилар билан танишиши ва билиш фаолиятини кенгайтиришга ёрдам беради. Дарснинг муваффақиятли ўтиши тайёргарлик даражасига боғлиқ. Пухта тайёргарлик кўриш учун:

▷ конференция дарсининг вазифалари ва муҳокама қилинадиган саволлар доирасини аниқлаш;

▷ ўқитувчиларнинг тегишли адабиётларни чуқур ўрганиши;

▷ ўқувчилар ўртасида маърузани тўғри тақсимлаш;

▷ ўқувчилар учун қўшимча мосламалар бериш лозим.

Дарс мавзуси шундай танланиши керакки, биринчидан, қизиқарли, иккинчидан, уни атрофлича ва чуқур ўрганишга эришиш, учинчидан, мавзунинг техника ва халқ ҳўжалигидagi ахамияти ёритиб берилиши лозим.

Меҳнат таълими дарсида "Қиз болалар кўйлагини тикиш" мавзусини ўзлаштириш учун толаларнинг таркиби, хоссалари, газламаларнинг тўқилиши, ўлчам олиш, андоза тайёрлаш, бичиш ва тикишни билиш талаб қилинади. Ушбу билимларни янада кенгайтириш, ўқувчиларнинг қизиқишини ошириб, қўбиллатини ривожлантириш учун конференция дарси ташкил қилинади. Бунда синф ўқувчилари тўрт гуруҳга бўлинади:

- 1-гуруҳ: газламашунослар;
- 2-гуруҳ: модельер-дизайнерлар;
- 3-гуруҳ: тикувчилар;
- 4-гуруҳ: тадбиркорлар.

Ўқитувчи дарсдан олдин қандай адабиётлардан фойдаланиш, керакли дидактик воситалар, асбоб-ускуналар, чизмалар, таркатма материаллар, кўргазмалли куруллар, плакатлар ва стендлар ҳақида маълумот беради. Шунингдек, синфдан ташқари манбалар — адабиётлар, радиозаитириш, телекўрсатув ва матбуот материалларидан фойдаланишни тавсия этади.

Дарснинг режаси куйидагича бўлиши мумкин:

Дарснинг мақсади:

1) газламаларнинг турлари, хоссалари бўйича олинган билимларини мустаҳкамлаш, умумлаштириш, кенгайтириш ва уларни амалда қўллашга ўргатиш;

2) ўқувчиларни инсон меҳнатини кадрлашга ўргатиш, уларда ижодкорлик қўбиллатини ривожлантириш;

3) тикувчилик, дизайнлик, сотувчилик, тадбиркорлик касбларига бўлган қизиқишларини ривожлантириш.

Зарур жиҳозлар:

1) турли газламалардан намуналар;

2) ҳар хил фасондаги қиз болалар кўйлагининг расмлари;

3) қиз болалар кўйлагидан намуналар;

4) андоза олиш, кийимни бичиш ва тикиш учун керакли асбоб-ускуналар;

5) сотувчилик растаси;

6) мактаб ҳисобига келувчи фойда ҳақида кўрсаткичлар.

Конференцияни ўтказиш тартиби:

Бошловчи: — Ассалому алайкум, ҳурматли ўқувчилар! "Қиз болалар кўйлагини тикиш" мавзусига бағишланган анжуманимизни бошлаймиз. Анжуманда газламашунослар, модельер-дизайнерлар, тикувчилар, тад-

нинг — молекулаларининг бириктирилиши йўли билан олиннадиган толалар синтетик толалар дейилади. Капрон, лавсан, нитрон, хлорин, винол, полиэтилен, полипропилин ва бошқалар синтетик толалардир.

Бошловчи: — Энди навбатни модельер-дизайнерларга берамиз. Марҳамат!

1-модельер-дизайнер: — "Дизайн" сўзи италянча "disegno" сўзидан келиб чиққан бўлиб, чизма нақш, гоа, лойиҳалаш ва конструкциялаш жараёнини, яъни бадий лойиҳалаштириш маъносини англатади. Дизайн фақатгина техниканинг гўзаллигини ўрганиш билан шўғулланмайди, балки унинг замонавийлиги ва қўлайлигини таъминлашни ҳам назарда тутди.

Дизайн бу — бизни қўраб турган нарсалар дунёсини эстетик жиҳатларига қараб бадий лойиҳалаш ва конструкциялашдир. Дизайн бу — фойдалилик ва гўзалликнинг табиий бир-

Sinab ko'ring

нерларнинг фикрлари билан танишдик. Энди навбатни тикувчиларимизга берсак. Марҳамат!

1-тикувчи: — Замонавий кийим мураккаб система бўлиб, унга хос лойиҳалашнинг шаклланиш қонуниятларини тушуноқ учун кийимнинг узоқ ўтмишдаги кўриниши ҳақида маълумотга эга бўлиш керак.

Кийим одамзод ривожланишининг илк босқичларида иқлим таъсиридан ҳимояланиш воситаси сифатида пайдо бўлган. Инсоннинг ижтимоий ҳаёти, меҳнат фаолияти ва онининг ривожланиши туфайли кийим ҳам такомиллашиб борди. Турли тарихий ўзгаришлар, ижтимоий ва иқтисодий шароитлар, миллий хусусиятлар ва жамиятдаги эстетик тасаввур эволюцияси таъсири остида шакли ва хиллари ўзгариб, кийим амалий санъат объектига айланди.

2-тикувчи: — Кийимни яққа буюртма йўли билан тикишда ўлчам-ҳисоблаб, лойиҳалаш усули жуда мос келади. Бунда гавдадан керакли ўлчовлар олинади ва ҳисоблаб жадвали тўзилади. Жадвал асосида буюмининг асос чизмаси чизилади. Бу усул мактабларда, ўқув муассасаларида, тўғарақларда қўлланилади. Чунки чизма чизишни, андоза тайёрлашни ўрганаётган кишилар учун бу қўлайдир.

Бошловчи: — Раҳмат! Энди навбатни ёш тадбиркорларга берсак, улар ўзларининг тажрибаларидан, бозор сир-асрорларидан сўзлайдилар. Марҳамат!

1-сотувчи-тадбиркор: — Тадбиркорлик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, йўлга қўйиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ва мавжуд маблағларни мақсадли сарфлай олишдир. Биз тайёр буюмларни ўз эгасига етказиб берамиз.

2-сотувчи-тадбиркор: — Қиз болалар кўйлагини тайёрлаш учун қанча хомашё кетишини, сарф-харажат ва олиннадиган фойда ҳисобини аниқлаймиз. Буюмларни таннарх асосида сотиш учун баҳо белгилаймиз. Баҳо белгилаш бозорини ўрганиш, ундаги талаб ва таклифлар натижасида амалга оширилади.

Иқтисод билан иш юритишимиздан мақсад эса ҳалол меҳнат эвазига даромад олиш ва уни ақл-идроқ, тежамкорлик билан ишлатишдир. Савдо соҳасида тўғрилик, ҳалоллик талаб қилинади. Сотувчига ширинсўзлик, хушмуомалалик, сўзамоллик каби хислатлар керак бўлади.

Бошловчи: — Мана, ҳурматли анжуман иштирокчилари, соҳага тааллуқли касб эгаларининг фикр-мулоҳазалари, тавсиялари, тажрибалари билан танишдик. Қиз болалар кўйлагини тикишда нималарга эътибор бериш кераклигини билиб олдик. Шунингдек, ушбу касбларнинг бир-бирига боғлиқлиги, газламашунос модельер-дизайнерсиз, модельер-дизайнер — тикувчисиз, тикувчи — сотувчи-тадбиркорсиз ўз фаолиятини юрита олмамлигига гувоҳ бўлдик...

Дарс якунида фикрлар шу тариха умумлаштирилади.

Конференция дарсида ўқувчилар фаоллигига эришди. Улар ўзлари ёқтирган касб эгаси сифатида, зийраклик, қаққонлик, ҳозиржавоблик, тадбиркорлик каби хислатларини намойиш қиладди. Турли касб эгалари мисолида ўқувчиларнинг меҳнат таълимига оид назарий ва амалий билимлари мустаҳкамланади, мулоҳаза юритиш, фикрлаш, ҳулоса чиқариш малакалари ривожлантирилади.

Гулчеҳра НАСРИДДОНОВА,
Низомий номидаги
ТДПУ ўқитувчиси

КОНФЕРЕНЦИЯ ДАРСИ

меҳнат таълимига доир билимларни мустаҳкамлайди



биркорлар қатнашмоқда. Сўз — ёш газламашуносларга, марҳамат!

1-газмашунос: — Газламашунослик бўлимида тикувчилик буюмлари учун ишлатиладиган материалларнинг олиниш технологияси, сифати, хусусиятларини аниқлаш ва ускуналар билан ишлаш усуллари ўргатилади.

2-газмашунос: — Пайдо бўлиши, олиниши ва кимёвий таркибига қараб, толалар классификацияланади. Барча толалар икки катта гуруҳга — табиий ва кимёвий толаларга бўлинади. Табиатда мавжуд бўлган толалар табиий, завод шароитида олиннадиган толалар кимёвий деб аталади. Табиий толаларга ўсимликлардан олиннадиган толалар (целлюлозали толалар — пахта, зиғир, каноп, лос толалари ва ҳоказолар), ҳайвонот толалари (оксилли толалар — жун, табиий ипак), минераллардан олиннадиган толалар (асбест) қиради.

3-газмашунос: — Кимёвий толалар сунъий ва синтетик турга бўлинади. Сунъий толалар ўсимликлардан, ҳайвонлар жунидан ва минерал жинслардан олинган хомашёдан тайёрланиши мумкин. Шунинг учун улар табиий толаларга ўхшаб, целлюлозали (вискоза, асетат, триацетат, мис, аммиак ва ҳоказо), оксилли (казеин), минерал (шиша ва металл) толаларга бўлинади. Нисбатан оддий моддалар-

лиги бўлиб, амалда ва шаклда бир бутунликка эга бўлган нарсалар муҳим ҳисобланади.

2-модельер-дизайнер: — Янги нарсани яратиш бу — мураккаб, ижодий ишлаб чиқариш жараёни. Бунда олимлар, муҳандислар ва дизайнерлар қатнашади. Бу жараёнда айниқса, дизайнернинг роли катта. У нарсанинг фақат шаклига эмас, балки ундан қандай фойдаланиш, ўзига хослиги ва ажралиб туришига ҳам эътибор қаратади. Дизайнер кенг дунёқарашга, юксак маданиятга эга бўлиши керак, мавжуд тажрибалардан фойдалана олиши зарур. У замонавий технологияларни, sanoat ишлаб чиқаришининг мураккаб техникавий муаммоларини тахлил қила билиши керак.

3-модельер-дизайнер: — "Модель" сўзи буюмининг шу туркумдаги бошқа буюмларга нисбатан кўриниши, шакли, материалли, безаги ёки бошқа сифатлари янгича бўлган намунасини билдиради. Моделлаштиришнинг мақсади ўз санъати билан жамиятнинг эстетик тарбиялаш, маданиятини юқори поғоналарга кўтаришдир, шунингдек, ўз замонасининг турмуш тарзи, фан ва техника ютуқлари, миллий урф-одатлари, иқлими, шароитини акс эттиришдир.

Бошловчи: — Мана, биз юқорида газламашунос ва модельер-дизай-

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 2012-2013 ўқув йили битирувчиларини таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш ва тавсия этиш жараёни бошланганини маълум қилади.

Университетни бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тамомлаётган ёш мутахассислар ҳозирги кунда педагогик касбига қўйилаётган умумий талабларга тўлиқ жавоб беради, замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш малакасига эга, таълим бозорига рақобатбардор кадрлардир.

Битирувчилар ва уларга буюртма (талабнома) бериш бўйича маълумотларни университет маркетинг бўлимидан, шунингдек, www.tdpu.uz сайтидан олишингиз мумкин.

Буюртмангиз асосида жорий йил март ойида университетда ўтказиладиган "Ёш мутахассислар кўни" тадбирларида иштирок этиб, битирувчилар билан учрашиш ҳамда уларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича шартнома тузиш имкониятига эга бўласиз.

Юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва улар бандлигини таъминлашдаги доимий ҳамкорлик учун олдиндан миннатдорлик билдирамыз!

2012-2013 ўқув йилида Низомий номидаги ТДПУ бакалавриятини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот (худудлар кесимида)

№	Бакалаврият йўналишлари		Битирувчилар сони	шу жумладан		Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Наманган	Фарғона	Бўжоро	Хоразм	Сурхондарё	Қашқадарё	Жиззах	Навоий	Самарқанд	Сирдарё	Тошкент вилояти	Тошкент шаҳри
	коди	номи		грант	контракт														
1	2	3	4	4/1	4/2	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1	5140100	Математика ва информатика	135	66	69	4			3	7	10	18	36	7	5	8	2	4	31
2	5140200	Физика ва астрономия	92	41	51	1		1		6	10	11	16	3	7	6	1	20	10
3	5140300	Кимё ва экология	72	35	37	1	1	2	2	10	11	15	1	1	2	1	16	9	
4	5140400	Биология ва инсон ҳаётини фаолияти муҳофазаси	71	33	38	3		3		2	7	9	13	4	1	4	3	10	12
5	5140500	География ва иқтисодий билим асослари	77	33	44	3		1		1	9	16	14	3	1	2	2	16	9
6	5140600	Тарих	144	46	98	2	5	5	2	3	4	40	22	3	4	16	3	15	20
7	5140700	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	68	28	40	15		3	1	1	6	5	7	3	2	1	3	8	13
8	5140800	Педагогика ва психология	133	59	74	1		5		1	4	20	11		3	5		16	67
9	5140900	Касб таълими: машина-созлик технологияси	86	41	45	1		2	1	3	4	11	12	6	8	7	4	16	11
11	5140900	Касб таълими: сервис	49	24	25					6	3	4	7		1	5	1	16	6
12	5140900	Касб таълими: амалий санъат	37	19	18				2	3	5	2	3	4		2	1	4	11
13	5140900	Касб таълими: агрономия	21	9	12	1						5	15						
14	5141000	Мусликий таълим	71	29	42		1	2	5	3		2	4	2		3		15	34
15	5141100	Ўзбек тили ва адабиёти	151	70	81	2	2	7	1	10	24	16	39	9	7	8	3	12	11
16	5141200	Чақириқча ҳарбий таълим	98	34	64	2	2	1	2	5	6	4	10	3	1	5	2	31	24
17	5141300	Она тили ва адабиёт: рус тили ва адабиёти	80	34	46	1	1		1		2	2	2	4			2	11	54
18	5141300	Она тили ва адабиёт: қозоқ тили ва адабиёти	16	5	11					1					1			13	1
19	5141300	Она тили ва адабиёт: корейс тили ва адабиёти	14	3	11												1	5	8
20	5141400	Хорижий тиллар ва адабиёти: инглиз тили	105	43	62	1		2		5	6	16	21	4	2	5	1	6	36
21	5141400	Хорижий тиллар ва адабиёти: немис тили	21	8	13	1				1			4			1		4	10
22	5141500	Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари	149	38	111	3	3	2	13	8	9	16	19	4	5	11	1	24	31
23	5141600	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	123	45	78	1	1		6	5	13	14	3	1	5	2	33	39	
24	5141700	Мақтабгача таълим ва болалар спорти	58	23	35			2		1		2	6	3			1	8	35
25	5141800	Дефектология	146	60	86		1	1	4			22	4	2	3	1		23	85
26	5141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	33	9	24	2			3			4	7			1	1	5	10
27	5142000	Меҳнат таълими	32	14	18					1	3	8	3	3		1		9	7
		ЖАМИ:	2082	849	1233	45	17	39	35	78	125	252	309	71	53	99	35	340	584

2012-2013 ўқув йилида Низомий номидаги ТДПУ магистратура босқичини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот (худудлар кесимида)

№	Магистратура йўналишлари		Битирувчилар сони	шу жумладан		Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Наманган	Фарғона	Бўжоро	Хоразм	Сурхондарё	Қашқадарё	Жиззах	Навоий	Самарқанд	Сирдарё	Тошкент вилояти	Тошкент шаҳри
	коди	номи		грант	контракт														
1	2	3	4	4/1	4/2	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1	5A 110101	Математика ўқитиш методикаси	5	1	4								2			1		1	1
2	5A 110201	Физика ўқитиш методикаси	5	2	3								2				1		2
3	5A 110301	Кимё ўқитиш методикаси	5	2	3					1		1						3	
4	5A 110401	Биология ўқитиш методикаси	10	2	8			1	1	1		2	1			1		2	1
5	5A 110501	География ўқитиш методикаси	8	3	5			1	1			1					2	1	2
6	5A 110601	Тарих ўқитиш методикаси	9	2	7	1				1						1	1	2	3
7	5A 110801	Тасвирий санъат	10	2	8	1	1							2		2			4
8	5A 110901	Педагогика	6	2	4														6
9	5A 110902	Психология	11	2	9														11
10	5A 111001	Таълимда ахборот технологиялари	7	2	5	1				2		1							3
11	5A 111001	Хизматлар соҳаси	2	1	1													1	1
12	5A 111001	Касб таълими (Технологик машиналар ва жиҳозлари)	4		4							2						2	
13	5A 111201	Ўзбек тили ва адабиёти	17	3	14	1		1	2	1	1	3	1	1	1	1		2	3
14	5A 111501	Чақириқча ҳарбий таълим	6	2	4						1							2	3
15	5A 111301	Рус тили ва адабиёти	10	3	7				1	1								4	4
16	5A 111301	Немис тили	8	2	6				2				1			1		1	3
17	5A 111401	Инглиз тили	18	2	16		1		1	1	1	2	1	3				1	7
18	5A 111601	Маънавият асослари	15	3	12			1	1					2	1	1		5	4
19	5A 111701	Бошланғич таълим	11	4	7				1	1		1	1	1	2			3	2
20	5A 111801	Мақтабгача таълим	7	2	5						1								6
21	5A 111901	Дефектология (Логопедия)	10	2	8			1										1	8
22	5A 111902	Дефектология (Олигофренопедагогика)	7	2	5													1	6
23	5A 111903	Астрономия ўқитиш методикаси	4	2	2	1					1	1				1			
24	5A141001	Мусликий таълим	8	3	5					1		1		1				1	4
25	5A 112101	Меҳнат таълими	6	2	4						1	1	1	1			1	1	1
26	5A 110701	Касб таълими (Таълимда ахборот технологиялари)	3		3	1						1						1	
		ЖАМИ:	212	53	159	6	2	4	5	7	9	6	21	10	6	11	5	35	85

Мурожаат учун манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.
Тел/факс: (+99871) 255-50-77 e-mail: tdpu_info@edu.uz

Китоб ўқитган одам, китобхон одам... Ҳар бир тушунчанинг инсон онгида ўз акси бор. Китобхон одам ҳақидаги тасаввуримиз қандай? Ахир, бизнинг китоб ўқишга меҳримиз ҳам, маълум маънода ўша тасаввуримиздаги образга боғлиқ-да.

Ҳар бир киши ўзида китобга меҳр уйғотган яқинларини, устозларини мамнуният билан тилга олади. Адиба Меҳринисо Қурбонова онаси ўқишда ўрناق, намуна бўлгани, бадиий асар мутолаасига ихлоси қачон уйғонгани тўғрисида шундай дейди:

— Онамизнинг исмлари — Ойдин. "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" каби ўлмас асарларни такрор-такрор ўқигани учун бўлса керак, Қумушбидининг, Раънонинг мактубларини, асардаги баъзи бир лирик тафсилотларни ёд билди. "Алпомиш", "Қунтуғмиш" каби достонларнинг ҳам кўп ўринларини ёддан айта олади. Жиянларимга алла айтаётганида гоҳо кулоқ солиб қоламан, ўша достонларнинг таъсирчан жойларини оҳангга солиб айтаётган бўлади.

Балки кўп ўқигани учундир, жуда бамаъни аёл. Айрим аёлларга ўхшаб "деди-деди"ларга хуши йўқ, Айниса, хотирасига қойил қоламан. Ҳеч нарсга ҳеч қачон эсидан чиқмайди.

"Онанг кўп ёд олади, хотираси шунинг учун мустаҳкам", дейди дугоналари.

Болалигимдан онам китобхонлик тимсоли бўлган. Китоб ўқиган инсон бемаъни гап қилмайди, қаерда қандай гап айтишни билди. Онамни аёллар давраси жуда иззат қилади. Чунки у киши бугун ҳам ўтиришларда ибратли воқеалар, ҳикоялар ўқиб беради. Аёллар китобга ишонишда, ундаги қучли образларга сунишда. Хуллас, китобга меҳрим дунёни онамнинг нигоҳида қўрган пайтларимдан бошланган.

— Мен тақдир тақозоси билан О.Салимов, А.Муталибов, М.Ховах, Д.Архангелский, Н.Абрамов каби ўз соҳасининг катта билимдони бўлган улуг олимлардан сабоқ олганман, — дейди техника фанлари доктори, профессор Сарвар Қодиров. — Сўхбат чоғида фақат техника соҳасидан эмас, тарих, мантиқ, жўрофия — қайси фан билан боғлиқ саволларим бўлса ҳам, устозларимдан жавоб олганман. Уларнинг хонадон, иш жойидаги асосий бойлик ҳам китоблар эди...

Китобхон одам билиб яшайди, кўр-кўрона яшайди. Вақтини беҳуда соғирмайди. Дунё тиббиёти бешигини тибратган доншманд бобомиз Ибн Сино бир дақиқа вақтини ҳам бекорга ўтказмаган экан. Бир кечада 35 варақ матн ёзган вақтлари бўлган экан. Шунинг учун авлодларга катта мерос қолдирган-да.

— Китобхонлик, мутолаага қизиқиш, аввало, оиладан бошланади, — дейди Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллими, ҳалқ таълими аълочиси Маҳмуд Валиева. — Фарзанд биринчи галда ота-онасига тақлид қилади, уларнинг қўлида китоб ёки газета кўрс, у ҳам ўқигиси келади. Китобхон бўлиш учун олий маълумотли бўлиш шарт эмас, шундай инсонлар борки, улар оддий касб эгалари, адабиётга қизиқиши ёки билими айрим олимлардан кам эмас.

Онам ҳозир 84 ёшда. Шу кунгача ҳеч қанда қилмай шу ҳафтада "Бекажон", "Ташхис",



КИТОБ — УСТОЗ

у — муҳаббат, орзу, мақсад муаллими

"Шифоинфо", "Саломатлик тақвими" каби нашрлар, ҳадис ва ривоятларни ўқиб хелаяптилар. Энг яхши одатларидан бири — ўқиган газеталари ҳужиясига исмиимизни ёзиб қўядилар. Агар даволаниш усуллари, тиббиёт оид фикрлар бўлса, тағига қизиқ, "Ферузахонга", "Дилфузахонга" деб қайд этиб қўядилар. Мактаб, таълим-тарбияга оид ўғит, тавсиялар бўлса "Маҳмудохон учун" деб, ободонлаштириш, қурилиш, мевали қўчатлар парвариши бўлса, акам ва укаларим номини ёзиб қўядилар. Биз олти фарзанд турли касб эгалари бўлсак-да, ҳаммамиз газета ва журналларга "ошно"миз. Ҳар биримизнинг сеvimли нашрларимиз, сеvimли шоир ва ёзувчиларимиз бор. Мен ҳам уйга борганимда, онажоним қидираётган нарсамни дарров сезади-лар-да, "Жавоннинг тепасига янги газеталарни қўйганман, ўқий қол", дейдилар. Айримларга ўхшаб оилавий муаммолар, икёр-чикирлар ҳақида сўзлашиб ўтирмаймиз. Невара келинлар ҳам кўпинча хайрон бўлишди: "Маъназа қилиб гаплашмайсизларми?" деб. Биз учун ҳар қандай гапдан кўра мутолаа афзалроқ. Онажоним 7-синфини битиргач, уруш тўғрисидаги ўқишнинг давом эттира олмаган. Бироқ бошланғич синфдаги устозлари — Оқилхон Шарафиддиновдан сабоқ олганлари, унинг оилавий таълим тўғрисидаги ўғитлари, тавсиялари боис китобга алоҳида меҳр қўйганларини кўп эслайди.

Юқоридаги фикрларни давом эттириб айтиш мумкинки, китоб ўқиган одам тарихга, келажакка бориб келади. Дунё кезади, турли миллатлар ҳаётига қўшилиб яшайди. Филолог Сория Азизова китобхонлик билан боғлиқ фикрларини шундай баён қилади: — Болалигимдан романтик асарларни ўқишни яхши кўраман. Китоблар менга орзу қилишни, яхшиликка ишонишни ўргатади. Шунданми, дунёни доим оқ рангларда кўраман. Хали ҳануз хаёлпараст, орзупарастман.

Кимдир:

"Бу ишингдан нима наф?" деса. Ҳамма яхшиликлар хаёдан бошланган", дейман...

Бугун китобхонликнинг жиддий "рақиб"и пайдо бўлди. Ҳа, бу ўша компьютер, интернет...

— Кино санвати ривожланганда ҳам, телевидение ҳаётиимизга кириб келганида ҳам: "Энди китоблар ўз умрини яшаб бўлди. Маънавият дунёсида бошқа бир палла бошланди", дея жар солишган эди, — дейди Мирзо Улуғбек туманида яшовчи шифоқор Раҳима Нурова. — Мана, орадан шунча йиллар ўтиб ҳам китоблар яшайоти, бу рақобатда четга чиқиб қолмади. Компьютер, интернетнинг ҳам қулайлиги кўп. Ахборот олишнинг тезкор йўли, узоқ масофаларни бери-бирига боғлайди. Лекин суваратда сўз сеҳри, сўз жоизбаси, сўз завқи йўқ. Одамнинг кўнглида ўқишга ҳамisha эҳтиё бўлади. Ўрганиш, ўргатиш ҳам ўша эҳтиёжнинг бир қисми. Китобхонлик — маънавиятнинг ажралмас қисми. Маънавият тарбия билан камолга етгани каби китобхонлик ҳам оиладан бошланади. Ота-она — илк ўргатувчилар, кейин бу масъулиятни вазифа устозлар зиммасига тушади.

Фольклор билимдони, беназир олим, филология фанлари доктори Баҳодир Саримсоқов Фаргона давлат университети (собиқ пединститут) ўзбек тили ва адабиёти факультети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Аскарвали Шаропов ҳақида гапиратиб, шундай деган эди:

— Шаропов домла, устоз ўз талабаларини китобхон қилиб тарбиялашни мумкин эканини исботлаган инсон. Ҳар доим домла янги ўқув йили аввалида талабаларга рўйхат ёзиб берди. Ўзбек адабиётининг энг сара асарларидан тортиб, жаҳон адабиётининг дурдона асарларигача бу рўйхатда бўларди. Домла имтиҳон, синов олдидан ана шу адабиётлар бўйича сўхбат ўтказар, китоб ўқимаган талаба имтиҳонга қўйилмасди. Ҳатто "3" баҳога ўқийдиган талаба ҳам "Хамса"-

ни ўқиб чиққанига домлани ишонтира олса, саволларига аниқ-аниқ жавоб берса, ўша "3" баҳо "беш"га айланарди. Ўша пайтда Шаропов жуда қаттиққўллик қилаётгандай туюлса ҳам, кейинчалик мактабларга боргач, асл манбани ўқиган ёш муаллимлар: "Домладан миннатдоримиз, номимизни бутун қилган экан ўша пайтлари", дейишган.

Олима Муножотхон Нурматованинг таъкидлашича, турмуш ўртоғи Маҳмудхон Нурматов домла ўз фарзандларига кунига битта газал ва 10та сўзни изоҳи билан ёд олганга (дарс тайёрлагандан сўнг, албатта), кўчага чиқиб ўйнашга рўхсат бераар экан.

Китобхонлик — меҳнат. Демак, унга қўниқиб, ўрганиш ва ўргатиш ҳам меҳнат. Лекин бу меҳнат одамни камолга етказди, юксалтиради. Шу ўринда файласуф шоир ва моҳир таржимон Матназар Абдулҳаким айтиб берган ривоятни келтириб ўтиш ўринлидир:

Бир ота ўз фарзандига: "Ўғлим, кўп қанд еманг. Бу сизга ниҳоятда зарарли", дебди. Эракотий ўғил бўлса, барибир ширинликни ҳаддан зиёд тановул қилаверибди. Шунда ота ўз билармон ўғил ихлос қўйган бир шайхникига уни бошлаб борибди. "Шайх ҳазратлари, — дебди ота, — муҳлисингиз ширинликни сувдек истемвол қилгани-қилган. Илтимос, унга айтинг, ширинлик эмасин. Ўғлимнинг панду насихатларим қор қилмаепти". "Хўп, — дебди шайх. — Икки ҳафтадан кейин келинлар. Мен унга тайинлайман, қанд емайдиган бўлади".

Ота ва ўғил икки ҳафтагача бирор бир дуо — муолажаларини тайёрлаб, беморга таъсир қилиш усулларини ўйлаб топса керак, деб шайх ҳузурини тарқ этишибди. Икки ҳафтадан кейин тагин келишибди. Шунда шайх фарзандга: "Ўғлим, бундан кейин қанд еманг", деб тайинлабди. "Хўп, — дебди ўғил, — бундан кейин, чиндан ҳам, қанд емаганим бўлсин!". "Шугина холосми? —

Kuzatuv

деб сўрабди ота, — кетаверайликми биз энди?". "Ҳа, — дебди шайх, — энди сизларга ижозат!". "Шу икки оғиз гап учун икки ҳафта шартми?" — ажабланибди ота. — Ўша кунни айтиб қўяқолсангиз бўлмасми-ди?". "Йўқ, бўлмас эди, — дебди шайх. — Чунки икки ҳафта олдин мен ҳам қанд еяётган эдим. Икки ҳафта мобайнида ўзим ҳам қанд ейишни тўхтатдим. Акс ҳолда, ўғлингизга гапим таъсир қилмаган бўлур эди..."

Мана шу ривоятда ибрат, устозлик ҳикмати, бутун моҳияти пинҳон. Китоб ўқишда ҳам худди шундай йул тутиш жоиз. Шу маънода Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файбулла Ҳожиёвнинг қўйидаги фикрлари эътиборга молик:

— Кўпинча "Ешлар китоб ўқимай қўйишди", деган гапни айтаман-у, лекин бунга ким сабабчи экани билан қизиқмай-миз. Эҳтимол, айб биз катталардадир? Эҳтимол, биз китоб ўқишни ешлар орасида етарли даражада тарғиб қила олмаётгандирми? Ахир, китобхонлик оммавий тус олиши учун одамларни бадиий асар ўқишга қизиқтириш ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади-ку. Биз шу ишни қўйиллатиб удалаяп-мизми-йўқми?

Мана, бир мисол: бир вақтлар биз ёш актёрлар янги роль олак, устозларимиз уни қандай ижро этиши йўлини ўргатишарди. Бизни ўша кўчанинг бошига олиб бориб, ҳатто бирикки қадам ичкарига киритиб қўйишарди. Кейин биз шу кўчадан юриб кетаверардик. Масалага шу нуқта назардан қараганда, ёшларимизни китобга қизиқтиришда ана шундай усулларни қўллаш фойдадан холи бўлмайди. Китобхонлик кўчаси бошида эса, энг аввало, ёши улуғлар, устозлар, ота-оналар тургани маъқул.

Қувонарлиси, кейинги пайтларда мамлакатимизда китоб тарғиботи кучайди. Маълум муддат айримларимиз компьютер, интернет китоб ўқини босади, деб ўйладик (ўрни келганда шуни айтиш жоизки, интернет сайтларига жойланган китоблар ҳам, яъни китобларнинг электрон вариантлари ҳам китобга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади). Лекин маълумотлар, ахборотлар билан бойисак-да, китобга бўлган ташналик дил тубида қолаверади.

Соғинганинг ҳақида эшитмасанг, бора-бора унутилади. Эшитиб турсанг, соғинчнинг янгилади. Китоб тарғиботи, айниса, телевидениеда берилган, кутубхоналарда ўтказилган "Бир китоб ҳақидаги фикр" каби кўрсатув ва бахслар ёки янги асарлар тақдимотлари ҳам китобнинг, китобхонликнинг кадрини эслатиб туради.

— Нега китоб ўқиган одам билан гаплашгинг келади? — дея бир ўсмрдан сўраганим-да:

— Чунки зерикмайман, — деган оддий жавобни олган эдим.

Ҳа, китоб, китобхонлик руҳий бўлишни тўлдирди, орзу қилишни, ўзининг қаҳрамонларидай қучли бўлишни, севишни ўргатади. Китоб — муҳаббат, орзу, мақсад муаллими.

Utgun yil sўngida dunёning eng yirik adadda chop etiladigan nashrlardan biri — "Newsweek" jurnalinin boshqa nashrdan voz kechib, "Newsweek Global" nomi ostida tўliq internet tizimiga ўtishi jahon hamjamiyatida shov-shuva ga sabab b'ldi. Bundan roppa-rosa 80 yil muqaddam tashkil etilgan jurnal butunlay on-layn kўrinishiga ўtgunga qadar AQSh va Kanada da 1,5 milliondan ziyad obunachisiga, shuningdek, dunёning 190 davlatida ўz muhtarlariga ega edi. Shunga qaramay, uning sўnggi bosma soni 2012 yilning 31 dekabrda chop etildi. Hўsh, bunday iyl tu tilishi, jurnal rahbariyati ta'kidlaganidek, zamon talabi edimi?

Молиявий муаммолар гирдобиди

Айрим манбаларда келтирилишича, "Newsweek" журналининг бундай иш тутишига аслида молиявий муаммолар сабаб бўлган. Хусусан, 2009 йилнинг ўзидаёқ журнал умумий миқдорда қарийб 30 миллион доллар зарар кўрган. Журнал адади 3 миллиондан 1,5 миллион нусхага тушиб қолгани, тахририят қарзларининг 70 миллион доллардан ошгани ҳам янгича ийл тутишга мажбур қилди.

Ўз навбатида, журнални интернет орқали кузатиб бораётганлар кун сайин ортиб, улар сони кунига 5 миллион нафардан ошгани тахририят қарорининг нечоғлик тўғри эканини англатади.

Аксарият мутахассислар bosma ommaвий axborot vositalari davri nihoyalаниb boraётгани, улар ўрнини он-лайн nashrlar eгаллаши mumkinligi хақида фикр билдирмоқда. Агар vaziyat шу tarzda davom etsa, 2017 йилга келиб birgina AQSh da kўpлаб nashrlar tўliq он-лайн shaklida faoliyat kўrsata boshlaydi.


Жахон молиявий инқирозининг ҳали-ҳамон davom этаётгани, mablag'ларини shusiz ham tejab-tergab yashaga kўnikkan farblikларни, айниқса, жиддий ташвишга солиб қўйди. Уларнинг ҳар бир сармоияни аниқ мақсад учун йўналтираётгани айрим газета ва журналларнинг молиявий аҳолига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Худди шу каби сабабларга кўра, 2012 йилда йирик немис axborot agentlikларидан biri — "dard" банкротга ўраганини эълон қилди. Мазкур axborot agentligi бундан икки йил муқаддам "dpr" agentligi ҳамда AQShning "Assosheytd Press" axborot agentligининг олмон бўлими бирлашувидан ташкил топиб, унда қарийб 4 минг журналист фаолият кўрсатар эди. Европанинг энг тараққиётган мамлакатидан тарқалган бу каби axborotlar шу билан якут топмади. Ноябрь ойи ўрталарида Германиянинг йирик газеталаридан яна бири — "Frankfurter Rundschau" ҳам молиявий инқироз кўчасига кириб қолди. 117 минг нусхада chop etilgan gazeta ўзининг 67 йиллик тарихидан ҳар қанча faxrlansa arziydi. Чунки сўнгги йиллар davomida gazetанинг ўз ўрнини saqlab қолиш, adadining muntazam ravishda pasayishini bartaraf этиш чора-тадбирлари юзасидан олиб борилган қатор isloхотlar, jumladan, nashr formatini auditoriyaning asosiy қисmini tashkil etuvchi ёшлар talabiga кўра ўзgartiriш ham vaziyatni ўnлашга ёрдам бермади.

Яна бир газета — Германиянинг энг яхши иқтисодий nashrlarидан ҳисобланган "Financial Times Deutschland" ҳам ўзининг иқтисодий барқарорлигини йўқотгани эса bosma nashrlar келажаги хақида жиддий мулоҳаза юриштишга ундайди. 12 йил davomida 100 минг нусага atrofidа chop etilgan gazeta аудитори

Аудитория учун кураш

Яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаш ўринлики, бугун қарийб барча bosma nashrlar ўзининг rasmiy сайтига eга бўлиб, virtual axborot makonida ham tobora kўpроқ ўquvchilarni jalb қилмоқда. Уларнинг афзаллиги, nashrнинг интернет талқинига obuna бўлишининг анча арзонлигида. Virtual makonda gazeta va jurnallarni chop этиш, ўquvchilarga tarqatish uchun ketadigan vaqt va mablag' teжалadi, aksincha, axborotlar ҳажми va tezkorligi ortadi. Шу ўринда bosma nashrlarнинг ustun жиҳатлари tўrisida ham tўxtalish зарур. Jumladan, nashrni mutolaа қилиш uchun kompyuter, mobil telefonларни ёхуд bosqa zamonaвий quрилmalar, интернет тармоғи зарур эмас. Gazeta-jurnalни varaqlab, энг sara maқола va xabarlardan baҳramand бўлиш хисси ham ўzга



йилларда мунтазам равишда зарарга ишламоқда.

Рекламалар қаерга "йўқолди"?

Bosma nashrlarнинг aksariyat xarajatларини qoplab келган asosiy daromad manbai — reklama va эълонлар seкин-astalik bilan gazeta va jurnallar saҳifalarидан "uzoqlashmoқda". Ўн йиллар муқаддам reklamalarдан тушган daromad тахририят кўрган fойданинг 64

бўлди. "iOS" mobil operatsion sistemasi asosida ishlovchi bunday ilovalar on-layn nashrlarga bevosита ulаниш, avtomatik ravishda yangilаниb turuvchi axborotlardan tezda voқif бўлиш imkoniyatларини taқdim этиб, uning fойдаланувчилари gazeta va jurnal-

Times", "The Boston Globe", "The International Herald Tribune" nashrlariga eгалik қиладиларинг 2011 йил sўnggi choraгida gazetalar sotuvидан olinaгидан fойдаси 4,7 foizга ortgan.

Biroқ on-layn obuna va интернет-reklama hamma nashrlar uchun birdek fойda келтираётгани йўқ. AQShning энг omma-bop nashrlari ichida 16-ўrinni band этиб турган "Newsday" gazetasi noшiri хисобланган Cabletelevision kompaniyasi gazeta сайтини ommalashtiriш uchun 4 million dollar ажратди va haftalik obuna narhini 5 dollar қилиб белгиледи. Biroқ, уч ой ichida gazetaга bor-ўyғи 35 nafar kishi obuna бўлди. Shundan sўng obuna narxi ойига 5 dollar қилиб белгиланди. Хозиргача интернет-gazetанинг obunachilari ming nafarни tashkil etmoқda.

БОСМА НАШРЛАР ҲАЁТИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ(МИ?)



foizини tashkil etgan бўлса, 2011 йилда бу kўrsatkich 45 foizга тушиб кетди. Бунга, энг аввало, fойданинг asosiy қисmini tashkil etgan reklama beruvchi йирик kompaniyalarнинг бўш иш ўринлари хақидаги эълонларнинг кескин камайгани сабаб. Ўтган асрнинг 90-йилларида Farb nashrlarнинг shанба кунги сониди иш ўринлари хақидаги эълонлар учун ўnлаб saҳifalar ажратилгани учун gazeta ogirligi bir kilogrammdan оshardi. Хозир esa бундай эълонлар sanoқли saҳifalarни tashkil этади, holos. Kimmat reklama va эълонларнинг katta қисми esa интернет tizimidaги веб-сайтлардан ўрин eгалламоқда. Jumladan, 2012 йилнинг birинчи ярмида бундай он-лайн nashrlar reklamalarдан қарийб 17 milliard dollar fойda кўрган. Бу kўrsatkich esa kundан-kunга ortib bormoқda.

"Carat" aloқа agentligi taқdim etgan maълumotlarга кўра, ўtgan йили dunё бўйича интернет-reklamaдан тушган daromadlar 6 foizга oшиб, tarixida ilk bor bosma nashrlar kўrsatkichidan юқори natijani қайд etgan. Aniroғи, bosma nashrlar reklamasini uchun 2012 йилда 33,8 milliard dollar sarflanган бўлса, он-лайн reklamalarни эълон қилиш туфайли 39,5 milliard dollar jamғarилган. Ajablanarliси, бундан bir йил олдин айнан интернет-reklamalar daromadi bosma nashrlar кўрган fойдага nisbatан 4 milliard dollar kam бўлган.

ча. Shunday бўлса-da, zamona-вий axborot texnologiyalarining жадал rivoжланаётгани, imkoniyatлари кенгайтирилиб, fойдаланиш uchun tobora қулайлашиб boraётгани, айниқса, ёшлар orasida kўpроқ он-лайн nashrlarнинг ommalashuviga sabab бўлмоқда.

Amerikaning "Pew Research Center for the People & the Press" tashkiloti ўtказган sўrovnomada ishтиrok etganlarнинг 40 foizi yangilikларни asosan интернет, хусусан, gazeta va jurnallarнинг элек-трон manzilidan билиб олишни таъкидлаган. 35 foiz ishтиrokчигина gazeta va jurnallarни muntazam mutolaа қилиб bora экан. Gazeta-jurnal ўquvchilарининг ўrtacha ёши esa 55 ni tashkil этади. Шу боис ham мамлакатда bosma nashrlarнинг kunlik adadi sўngги йгирма йил ichida 13 million-тага камайган.

Фан-техника кимнинг фойдасига хизмат қилмоқда?

Интернет аудиториясининг он-лайн gazetalарга янада кенг-роқ жалб этилишида фан-техника тараққиётининг энг илгор намуналари — mobil telefonлар va планшетларнинг ўрни бе-кўёё бўлмоқда. Бу борада 2011 йилда birинчилардан бўлиб Apple kompaniyasi ўz mobil va планшет mahsulotлари учун gazeta va jurnallarга mўjallangan mahsus dastur ishlab чикди. Axborot tarqatuvchilарининг miқozлар fойдаланиши учун қулай бўлган icham, zamona-вий kўrinishiga eга mahsus ilovalarни taқlif etishi ustun angliks

larга obunani bevosита Apple kompaniyasi mahsulotлари uchun ilovalarni taқdim etuvchi App Store on-layn supermarketi orқali amalga oshiriшлари mumkin. Biroқ bunda nashrlar тушган daromadning 70 foiziga eгалik қилади. Shunday бўлса-da, birgina "The Guardian" nashrining mobil telefonлар учун ishlab чиқилган ана shunday ilovasini уч ой ichida 4 million nafar fойдаланувчи юклаб олди. Natijada saytга кирувчилар sони bir kunda 1 million nafarга oшди.

Тарозининг икки палласи

Auditoriya talabлари asosida faoliyat kўrsataётган kўpchilik йирик gazeta va jurnal bosma va он-лайн nashrlar obunasiни birdek олиб boriшга харакат қилмоқда. Бу esa bir vaқtning ўzida nashrlarнинг ҳар икки shakli kўrsatkichlariga ijobiy таъсир кўрсатмоқда. Jumladan, "The Times" tomonidan он-лайн obuna бўлган ўquvchilarga gazetанинг yashнаb kунги bosma sони bepul etkazилиши natijasida nashrning umumi-iy adadi ortishiғи erishildi. 2012 йилнинг fevralь ойига келиб "The Times"ning adadi ўtgan 5 йил ichida birинчи марта 0,2 foizга oшиб, 119,3 mingtaga etди. Бундай muvaffaqiyatга "The New York Times" nashri ham erishiди. Хозирги kunda gazetани интернет orқали кузатиб boraётган obunachilar 380 mingdan oшadi. Amalgа oshirilgan шу каби isloхотlar natijasida "News Media Group" holding kompaniyasi("The New York

Ўзимизда-чи?

Bugungi kunda mamlakatimizda ham bosma va он-лайн nashrlarga ehtiбор kучайиб bormoқda. Ўzbekiston matbuot va axborot agentligi maълumotlariga кўра, 2012 йилнинг 1 dekabрь холатида mamlakatimizda жами 1305та omma-вий axborot vositasi faoliyat kўrsatmoқda. Jumladan, 712та gazeta va 264та журнал faoliyat kўrsataётган бўлса, ulарнинг aksariyatий ўz веб-сайтига eга. Shuningdek, 210 дан ziyad веб-сайт электрон omma-вий axborot vositasi sifatida rivoжtadan ўtkazilgan. Он-лайн nashrlarнинг mamlakatimizda iجتimosiy, siёсий, iqtisodiy va madaniy-maъrifiy хаётига oид maълumotlar bilan tўzilib boraётгани бу bорада sezilarli ўzгаришlar бўлаётганини isbotlayди. Шу билан birга, айрим сайтларнинг zamona-вий talablarга javob bermasligi, axborotlar ҳажми va tezkorligi жиҳатидан ортда қолаётгани бу борада amalga oshiriш lozim бўлган ишlar talabiga эканидан dalolat.


Хулоса ўрнида

Bosma nashrlar бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ. Уларнинг shakllаниш тарихи ming йилларни ўz ичига олади. Гутенберг ихтироси бу борада ўzгача инқилоб ysagan бўлса, ўtgan асрнинг oламshumul ихтиролари — радио va televидение ham gazeta-jurnallar ўrнини буткул eгаллаб олмади. "Axborot asri" degа эътироф etilgan XXI asr esa chинаkamiga axborot va auditoriya uchun курашlar davri бўлмоқда. Интернет va bosma nashrlar kўrsatidagi kuchi raқobatда йитмади ўz ўrнини saqlab қолаётган бўлса, kimdir уни бўshатиб бермоқда. Бундай vaziyatда замон bilan хамnafас иш олиб boriш, auditoriya talab va istaklarига mos ravishda faoliyat kўrsatishi omma-вий axborot vositalari, ҳар bir nashr oldida турган энг dolzarb masaladir.

Санжар РУСТАМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ҚУВВАТ БИЛАН ЮРАДИГАН "БАЛИҚ"

Мичиган университети олимлари автоном равишда суза оладиган робот-балиқ модели устида иш олиб бормоқда. Ушбу "балиқ" ихчамлиги боис, бир мартилик қувват билан 200 километргача бўлган масофани автоном тарзда боис ўта олади. "Grace" деб ном олган робот-балиқ бу имконияти туфайли дунёдаги энг самарали сузувчи-роботлардан бирига айланди.



Балиқ йўналишини ўзгартириш ёки тезлигини ошириш учун дум қисмини ҳаракатга келтирилади. Яна бир ўзига хослик шундаки, танасининг ички қисмидаги рельсга жойлаштирилган литийли аккумулятор балиқ юқорига ҳаракатланганда дум қисми томон силжиб, унинг кўтарилишини оsonлаштиради. Сувининг юза қисмига қўйилганда эса робот-балиқ батарея жойини тумшук қисмига ўзгартириб, мувозанатни таъминлайди.

Бортига турли кузатув қурилмалари ўрнатилган моделнинг илк намуналаридан ҳозирги кунда атроф-муҳит мусофоллигини ўрганиш мақсадида фойдаланилмоқда. Унинг бир мартилик қувват билан узок мuddат суза олиши бошқа соҳа мутахассислари эътиборини ҳам ўзига жалб этмоқда.

ВУЛҚОНЛАРНИНГ ЯНА БИР СИРИ ОЧИЛДИ

Шу вақтга қадар олимларга вулқонлар отилишининг икки хил кўриниши маълум эди. Биринчи тур вулқонларда кучли портлаш натижасида кул ва майда бўлақлар атмосферанинг юқори қисмига отилиб чиқади. Иккинчи шаклда эса оловли лава вулқон ёнбағирлари бўйлаб пастга тарқалади.



"Nature Geoscience" илмий журнали берган маълумотларга кўра, Янги Зеландиядаги Виктория университети мутахассислари томонидан Маколи оролида олиб борилган изланишлар натижасида вулқон отилишининг яна бир шакли аниқланди. Ушбу кўринишни улар илмий-тадқиқот кemasи ша-

рафига "Тангароан" (Tangaroa) деб номлашди. Шуниси қизиқарлики, бу тур вулқонларда катта ҳажмдаги сув босими кучли портлаш ёки лавалар оқимига йўл қўймайди. Магма юқорилаган сайин унинг шакли газлар, ички ва ташқи босим натижасида кўпқисмон ҳолга келади. Кўпқисмон лаванинг бир қисми ташқарига чиққанидан сўнг денгиз суви билан тўқнашиб совибди, бироқ ташқарига чиқмаган лава қайноқлигича қолаверади.

Тадқиқотнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, эришилган натижалар бу каби вулқонлар яқинида кемалар қатновини кенг қўламда йўлга қўйиш ва сувости алоқа тизимларини ўрнатишда эҳтиёткорлик зарурлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, кўпқисмон вулқон тошлари



йиллар давомида йиғилиб, денгиз қатновига катта тўсиқ бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

ЁЛГИЗЛИК ИММУНИТЕТ УЧУН ЗАРАР

Ёлғизлик унчалик ҳам ёқимли ҳолат эмас: у орқали киши чуқур қайғу, хавотир туйғуларини ҳис қилиб, депрессияга тушиб қолади. Бу ҳолат нафақат инсон руҳиятига,

балки унинг иммун тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатар экан. Огайо университети (АҚШ) тадқиқотчилари ёлғиз инсонлар организми герпес вирусига кучсиз қаршилик кўрсатишини аниқлашди. Бундан ташқари, уларда яллиғланишга мойиллик ҳам кўпроқ учраши кузатилган. Сурункали яллиғланишлар эса юрак қон-томир ва саратон хасталикларини келтириши мумкин.

Ёлғизлик ва иммунитет тизими ўртасидаги бундай боғлиқлик, ўзини ёмон ҳис қилиш ҳолатлари аввалдан маълум, ammo бу ҳолат ҳалигача илмий жиҳатдан чуқурроқ ўrganилмаган. Огайо университети олимлари ўз тадқиқотларига 50 ёшлар атрофидаги 200 нафар аёлни жалб қилган. Уларнинг 134 нафари ҳеч қандай жиддий сабабларсиз соғлигидан, ҳаддан ташқари ортқича вазндан шикоят қилган бўлса, қолганларида ҳам жиддий хасталик аломатлари аниқланган. Дастлаб, улар танадаги цитомегаловирус(герпес вирусига)га қарши антижисмлар миқдорини ўлчаб чиқилди. Асосан ёлғиз инсонлар организмида кенг тарқалган вирусларнинг уйқу ҳолатида эканлиги аниқланган.

Тадқиқотчилар тажрибадан қатнашган ёлғиз инсонлар ўртасида ўтказилган психологик тест натижалари ва антижисмлар миқдорини солиштириб кўришди. Натижалар эса ёлғиз кишилар организми бошқаларга нисбатан фаолроқ вирус қақирувчи хусусиятга эга эканини кўрсатди.

Тадқиқотчилар тажрибадан олинган хулосаларни Нью-Орлеанда бўлиб ўтган "Шахсий ва социал психология" мавзусидаги анжуманда маълум қилишди.

Умуман олганда, соғлом бўлиш учун оила ва дўстларнинг ёрдами катта. Атрофимиздагилар бизнинг иммун тизимини ҳалокатга олиб келувчи ташқи таъсирлар орқали келадиган муаммоларни ҳал қилиш, турли стресслардан чиқиб кетишимизда кўмаклашади.



ДАРАХТЛАР 100 МЕТРДАН ОРТИҚ ЎСМАЙДИ(МИ)?

Табиат қонуни бўйича, дарахт қанча баланд ўсса, унинг барглари шунча кам бўлади. Гарвард ва Калифорния университети изланувчилари Каре Йенсен ва Мацей Звенецкий барглари бир неча миллиметрдан бир метргача бўлган 1925 турдаги дарахтни ўзаро таққослаб, ушбу сирни очишга ҳаракат қилди.

Тадқиқотчилардан бири Йенсенинг таъкидлашича, бунинг сабабини ўсимликнинг циркуляр тизимидан излаш зарур. Барглarda ишлаб чиқарилган глюкоза найсимон ҳужайралар тизими — флоэмлар орқали тана бўйлаб тарқалади.

Баланд дарахтларда эса баргларнинг камлиги, устига устак, флоэмлар орқали глюкозанинг томирларга етиб бориши учун тананинг узунлик қилиши янада баландроқ ўсишга тўсқинлик қилади. Дарахт 100 метрдан ошган тақдирда ҳам унда ҳаётбахш барглар мавжуд бўлмайди. Шунинг учун энг баланд дарахтлар — Калифорния секвойялари ҳам 100 метр атрофида ўсади.



С.РУСТАМОВ, С.СИРОЖИДДИНОВА тайёрлади.

НОСОЗ МОСЛАМА — УМР ЗАВОЛИ

Yong'in xavfsizligi

Об-ҳавонинг кескин совуши туфайли уйлари иситишнинг турли ноқонуний усулларидан фойдаланилади. Бу эса турли салбий оқибатларга олиб келиши ҳаммамизга маълум. Шуни инобатга олган ҳолда аҳолига нафақат иш жойларида, балки уйларида ҳам эътиборли бўлишлари лозимлиги мунтазам ўқитиб борилади.

ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Фуқароларимизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига виждонан, бепарволик қилмасдан риоя этиши ёнғиннинг олдини олишда энг самарали йўлдор.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири "тилсиз ёв"нинг олдини олишда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, огоҳлик ва ҳушёрликни оширишдан иборат. Бу эса ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан бир қаторда ҳар бир фуқарога бирдек масъулият юқлайди.

Б. СИДИҚОВ,
12-ХҲХО 26-ХҲХК кичик инспектори

Юртимизда қиш ва унинг совуқ кунлари ҳукмронлиги давом этмоқда. Бундай пайтда ҳар бир инсон ўзи ва оиласи манфаатларини ўйлаб, уйлари иситишда турли носоз ёки тегишли текширувдан ўтмаган мосламалардан фойдаланади. Носозлик оқибатида келиб чиққан нохуш ҳодиса нафақат шу хонадонни, балки бутун маҳаллани электр энергиясиз қолдириши кузатилмоқда. Шу билан бирга носоз мосламадан фойдаланган хонадонда келиб чиққан ёнғин мол-мулкка ҳам жиддий зарар етказмай қолмайди.

Шунингдек, совуқни рўқач қилиб, газ плиталарни ёқиб қўйган

ҳолда кечки уйқуга етиш оқибатида нохуш ҳолларга дуч келаётганлар била туриб шу ишга қўл ураётгани аянчлидир.

Ёнғин хавфсизлиги органи ходимлари томонидан ана шундай ҳолатлар мавжуд бўлган хонадонлар аниқланиб, уларга қарши чоралар ва тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Ўз вақтида кўрилган тадбирлар сабаб ёнғин ва турли фалокатлар содир бўлишининг олди олинмоқда. Бунда кенг аҳоли ва маҳалла фаолларининг сайъ-ҳаракатлари, улар билан ҳамкорликда олиб борилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Ҳ. КАЙКУЛОВ,
20-ХҲХК инспектори,
сержant



Филиппиннинг Себу шаҳрида бўлиб ўтган суд жараёнида канадалик 65 ёшли нафақажўр Жон Поуп уни судга топширган маҳаллий шифокор ва айбловчи ёрдамчисини тўппончадан ўқ узиб жароҳатлаган, дея хабар тарқатади "Sun.Star" нашри.

Суматра оролининг шимоли-ғарбий қирғоқларида Рихтер шкаласи бўйича 6 балли зилзила қайд этилган, цунамининг юзага келиши хавфи ҳақида эса ҳеч қандай хабар тарқатилмаган.

Сурриялик шаҳрида суриялик террорчи камикадзенинг ўзини портлатиб юбориши натижасида 30 киши ҳалок бўлган ва яна бир неча ўн киши қаттиқ жароҳатланган, дея хабар беради "France-Presse" ахборот агентлиги.

Европа давлатларида кузатилган совуқ об-ҳаво ва кучли туман туфайли Лондоннинг "Хитроу", Парижнинг "Шарль де Голль" ва Франкфурт шаҳри аэропортларида юзаб авиарейсларнинг бекор қилингани йўловчиларнинг ўз манзилига етиб олишида қийинчилик туғдирмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро меҳнат ташкилоти 2013 йилда дунё бўйича ишсизлар сони яна беш миллионга ошиб, шу пайтгача кузатилмаган рекорд даража — 202 миллион нафарга етиши мумкинлигини маълум қилди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси биология-тупроқшунослик факультети «Генетика ва цитозембриология» кафедрасининг "Ўза генетикаси" лабораторияси илмий ходими

СУНАТ ЗОКИРОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси жамоаси иқтисодиёт факультети "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси доценти

КАМОЛ УМАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Хоразм вилояти кенгаши вилоят кенгаши раиси Муассар Раҳимовага отаси

РАЖАББОЙ отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Менинг ҳикматларим
оламга султон,
Қилур бир лаҳзада
чўли гулистон.
Аҳмад ЯССАВИЙ

БОБОМНИНГ ҲАЗИНАСИ

Раҳматли бобом юз ёшнинг баҳорини кўрган, қишлоқда энг азиз ва табаррук кишилардан эди. Қишлоқ аҳли у кишининг олдида фарзандларини олиб келиб, кокилу сочини қирқтириб, дуосини олиб кетишарди. Бобом мени доим юзи ёришиб, хушнуд кайфиятда қаршиларди.

— Эй, набирегинам, илоё, феълнинг кенг бўлсин-да, Худо кетмас давлат берсин. Ватан мустақил бўлсин-да, сени камолга етказсин! — деб алқаб, елкамга қоқар, юзимдан ўпиб, дуо қиларди.

Беш фарзандидан кўплаб набиралар кўрган бобомнинг беш чевараси, уч эвараси ҳам бор эди. У киши ҳеч қачон тушкун ва тунд қиёфада юрмасди. Юзида доимо табассум бўларди. Момом раҳматли билан бирор марта гап таллашиб турганини кўрмаганман.

— Хой момоси, бугун қайси ўғлинг чойга айтган? — дерди кампирига ўсоқчилад бобом.

— Бугун, Эшқобилбойниқига борамиз. Маҳмаражаб ўғлингиз чақураятти, кўй сўярмиш! — дерди момом раҳматли ҳам очик чехра билан.

— Қалқонбой ҳаф бўлмайди, булар уйда турмайди деб? — дерди бобом.

— Ҳа, Қалқонбой билан доимо биргамиз-ку, — дердилар кулиб момом.

Бобом қайси ўғлиниқига борса: "Илоҳи омин. Оллоҳ тало ушбу хонадонга кенг феъл, кетмас давлат олиб кирсин. Эл-юртимиз обод бўлсин", — деб бир дуони такрорларди жуда хушнуд кўринишда. Энди билсам, у кишига ҳаммаша хушвақтлик хамроҳ бўлгани учун ҳам юз ёшлик довонни забт этган экан.

Ёшлигимда кетмас давлат нима, кенг феъл нима, ватан мустақиллиги нима, ўйлаб ўйимга етмасдим. Маърифат боғини оралаб, сархил меваларни татиб кўриб, маънавият ва қадрият ойнасига қарасам, шу икки оғизгина сўзда олам-олам маъно-мазмун кўринди. Оилавий гушанимизнинг сарчамаси бобом эканига амин бўлдим. Оила боғининг боғбони бобом, чиндан ҳам донишманд эканлар. Одамда кенг феъл бўлмаса, ҳар қандай гап-сўзни ҳазм қилолмай, узоқ умр кўра олмас, бундай одамнинг дўстлари ҳам бўлмас экан. Ахир, гап кўтармайдиган, ҳиззаки одамни ким ҳам дўст қиламан деб кўзи учиб турибди? Очиғи, баррикенг, қалби дарё кишиларнинг дўст-биродари кўп бўларкан.

Кенг феъллик шамшири билан ҳар қандай ёмон гапларни чопиб-янчиб ўтиш ҳам мумкин.

Кенг феъллик отини чоптириб, ғийбат, бўҳтон, тўхмат, ёлгон-яшиқ гаплар ботқоғидан эсон-омон ўтиб кетиш ҳам мумкин.

Кенг феъллик қалбингизда илдиэ отган, гуллаб мевага кирган бўлса, билингики, сиз ҳаммага ёқилмасиз. Ширмойи нон мисоли лаззатбахш сўзингиздан одамлар баҳра олғай.

Мустақил яшамасанг, истаганча шодлик, истаганинча илмга эга бўла олмай орзу-умидли қушларингизнинг қанчалар қирқилар экан.

Шўро замони кишиларни кар ва соқов қилиб, кўр бўлиб яшашга мажбур этган экан. Йилларда тўғри бўлса ҳам, но-тўғри бўлса ҳам "тўғри гап" деб айтишинг керак эди. "Мен-да битта гап бор!" деб кўр-чи, кунингиз кўрадинг, болам", — дерди бобом.

Мустақил Ватан ҳавосидан, атиги бир йилгина нафас олган бобом: "Азиз болаларим, набираларим, мен орзу қилган кун келди. Энди истаганча меҳнат қилинг, илм ўрганинг, бахтли бўласиз, оилангиз — Ватанингиз гуллаб-яшнади. Илм ўрганинг ва илм ўргатинг. Ҳалол яшанг, рост сўзланг.

Оилага, Ватанга хиёнат қилманг! Хиёнатни оила ҳам, Ватан ҳам, Оллоҳ ҳам кечирмайди!" деб васият қилдилар.

Қашқадарёдаги Ҳазрати Султон қадамжосини тўққиз мартаба зиёрат қилган бобомизнинг ҳазиналарини сиз азизларга ошкор этсам дейман.

Бобомнинг бу ҳазинасини топиш осон бўлмади. Қанчалик машаққат тортиб, меҳнат қилиб, шул бойлиқни топиб ҳам тўхтамадик. Энди уни қандай қилиб кўпайтириш, қандай қилиб асраш-авайлаш, келгуси авлодларимизга — набира, чевараларимизга етказишини ҳам ўйлаймиз. Бобомнинг ҳазинасини илм эди.

— Илм — битмас-туганмас бойлик, ҳазина. Илминг бўлса, соғ яшайсан. Касалликлардан ўзингни қандай қилиб асрашинг қалити ҳам илмдадир. Илминг зиёда бўлса, атрофдаги кишилардан пинҳон тутма, ўрганганингни — ўргат.

Бобомнинг бу васиятларини рўёбга чиқардик. Биринчи бўлиб бу ишни амалга оширган кенжа ўғли Қалқон бобо бўлади. У киши ҳозир 75 ёшда. Акамиз Қалқон бобо Қарши шаҳридаги педагогика институтининг тарих факультетини битириб, мактабда 40 йил

сабоқ берди. Кейин мен ҳам шу олий ўқув юртида ўқидим. Биноидек тиббиёт ходими бўла туриб, бобомнинг васиятини авдо этиш учун кимё-биология бўлимини тугатдим, мактабда қирқ йилга яқин ишладим. Укам Тоирни ҳам институтга етакладим. У болалари Улуғбекни, Баҳромни ўқитди. Мен ўғилларим Баҳодир, Фарҳод, Ақмални илм олами сари ундадим. Келиним Маъмура ҳам олий маълумотли бошланғич синф ўқитувачиси. Раҳматли Шодмон акамизнинг ўғиллари Авлиҳ ҳам олий маълумотли. Ўғли Фахриддин, келини Муқаддамнинг даражаси уникидан кам эмас. Маҳмаражаб акамизнинг ўғиллари Азамат, Зафарбой ҳам бизнинг изимиздан кетди.

"Илм — ҳазина. Муаллим — ҳазинабон" деган бобомнинг васиятига содиқ бўлган Қалқон акамизнинг ўғиллари — Олимжон, Абдулла сафимизга қўшилди. Бобомнинг бир пайлар қилган дуолари ижобат бўлди. Йилгирмадан зиёд набираси, чевараси, эвараси, келинлари эл-юрт хизматида, ёшларга билим бермоқда. Асрлар оша бобомнинг кетмас давлати кўпайса кўпайдики, асло каммади.

Саодатли ОСТАНА
Қашқадарё вилояти

Ta'lim fidoyilari

ЭЛДА АЗИЗ МУАЛЛИМА

Ўқитувчиликдек масъулиятли вазифани зиммага олган одам учун яхши бўлишининг ўзи кам. Бу ишга қалб кўри, соф виждон, болага муҳаббат, касбга садоқат, ва табиийки, билимга, изланишга ҳамда янгиликка интилиш кўшилмас, муаллимлик мукамаллик касб этмайди.

Наманган шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Тойифахон Абдуллаева бу ҳақиқатни Наманган давлат педагогика институтининг физика факультетини тахсил олаётган давридаёқ тушуниб етган, ёшлик аҳдини мустаҳкамлаш учун ўқишга зўр берган эди.

Талабалик олтин даври чакмоқ мисол ўтиб кетди-ю, Тойифа ўзи сабоқ олган қадрдон маскан — 7-умумий ўрта таълим мактабда педагогик фаолиятини бошлади. Аълочи, ташкилотчи ва ташаббускор собиқ талабанинг мактаб ҳаётига сингиб кетиши, жамоада ўз ўрнини топиши қийин бўлмади. Қолаверса, устозларининг панду насихатлари шарафли касбга муҳаббатини кучайтирди.

— Турсунали Турдалиев, Азамат Ғозиев, Мукаррам Зариповдан иш ўргандим, — дейди Тойифахон Абдуллаева ўша йиллари эслаб. — Институтни имтиёзли диплом билан битириш бошқа-ю, ўттиз жуфт қорақўз қаршида уларнинг онгига муҳрланадиган сўз айтиш бошқа экан.

Ёш муаллима қисқа фурсатда педагогик жамоада ўз

ўрнини топиб, ўқувчилар қалбидан мустаҳкам жой эгаллади. Наманганнинг забардаст педагоглари ишлайдиган 7-умумий ўрта таълим мактабда бунга эришиш осон эмас эди...

Тойифахон изланувчан ўқитувчи сифатида дарсларига бир неча янгилик киритди. Жумладан, аксарият ўқитувчилар фанлараро интеграциядан беҳабар пайлардаёқ физика дарсига гуманитар фанларни боғлаб, ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириш, билиминини мустаҳкамлаш ва юқори самарадорликка эришишга муваффақ бўлди.

Дарсдан ташқари вақтларда эса маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга ҳам жиддий эътибор қаратди. Бу орқали ўқувчиларнинг ўқишга қизиқишини ошириб, билимларини мустаҳкамлаш мумкинлигини амалда исботлади. Коллаверса, бой тарихимиз, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни ёшларга ўргатиб, уларнинг қалбидан Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари кўртат ёзишига замин яратди.

Изланишлари самараси ўлароқ дарс ишланмалари ва методик тавсиялар тайёрлаб, амалиётга татбиқ этди. Жумладан, "Физика дарсларида миллий ғояни сингдириш" борасидаги тажрибаси республикада оммалаштирилди. 2002—2003 йилларда 7-мактаб миллий ғоя ва маънавият асослари фани бўйича тажриба-синов майдончасига айлантирилган, қаҳрамо-

нимиз экспериментатор ўқитувчи этиб тайинланди. Унинг етакчилигида олиб борилган тажриба-синов ишлари юқори баҳоланди. Муаллиманинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган "Маънавият хонаси" билим даргоҳининг гавжум жойларидан бирига айланди.

Тойифахон Абдуллаева ўнлаб ёш ўқитувчиларга ўз тажрибаларини ўргатиб келмоқда. Шогирдлар ҳам устозга муносиб бўлишга интиляпти. Мисол учун, Наманган шаҳридаги 60-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Саида Ахмадалиева ва 30-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Муножот Йўлдошева "Устоз-шогирд" мактабидан маҳорат ва малакасини оширганди. Саида 2010 йили, Муножот эса 2011 йили "Илминг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичида голиб бўлиб, устоз ишончини оқлади. Дарвоқе, Тойифахондан сабоқ олган ўқувчилар орасида фан олимпиадалари, билимлар беллашуви голиблари ҳам талайгина.

Меҳнат қилган элда азиз, деб беҳиз айтишмаган. Ёш авлод таълим-тарбияси ўйлида самарали меҳнат қилаётган Тойифахон Абдуллаева дастлаб "Шухрат" медали билан тақдирланган эди. Бу йил ўқитувчи ва мураббийлар кўни арафасида яна бир юксак мукофот — "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонига сазовор бўлди.

— Яқунланаётган йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Президентимиз томонидан шундай юксак мукофотга муносиб қўрилганимдан жуда миннатдорман, — дейди у. — Камтарона меҳнатларимга берилган мукофот менга янада куч-ғайрат бағишлади. Демак, келгусида бундан-да масъулият билан ишлашим, юксак эътирофни оқлашим зарур.

Ҳа, у дилидаги гапни айтди. Чунки ортда 29 йиллик тажриба, маҳорат ва сўнмаган, сўнмайдиган ғайрат турибди.

Ғанишер АҚБАРОВ,
"Ma'rifat" мухбири



ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Ёш авлоднинг билимли, кенг дунёқараш ва бой тафаккурга эга бўлишида самарали бошланғич таълим муҳим ўрин тутди. Бунда айниқса, мактаб остонасига эндигина қадам қўйган ўғил-қизларга ҳарф танитиб, илму-маърифат эшикларини очувчи илк устозларнинг ҳиссаси бекиёс. Салкам ўттиз йилдан буён таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган Мўътабархон Раҳмонова ҳам ана шундай ўз касбининг ҳақиқий фидойиларидан.

Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактабда ўқувчиларга бошланғич таълимдан сабоқ бериб келаётган М.Раҳмонова ўз ишига алоҳида меҳр, пухта тайёргарлик, юксак масъулият билан ёндашди. Турли кўргазмалар воситалари, интерфаол методлар орқали болалар диққатини жамлаб, ўқув машғулотларни қизиқарли, жонли ташкил қилади, ўқувчиларнинг қизиқиши, ўзига хос иқтидорларини аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида келажақ ворислари билан индивидуал иш олиб боради. Ўғил-қизларда ватанпарварлик туйғулари шакллантириш, уларни миллий қадриятларимиз ва аъналаримиз руҳига содиқ

қилиб тарбиялаш жонқуяр муаллиманинг доимий эътиборида.

Ҳинда Мўътабархон опа ўз ўқувчилари билан саводхонлик байрамни нишонлади. Шу муносабат билан мактабда ташкил қилинган байрам тадбирида "Алифбе" китобини муваффақиятли ўзлаштириб, билим пойдеворини мустаҳкамлаган келажақ ворислари қизқарли саҳна кўринишлари, қувноқ ашула ва рақслари билан йил-йилданларнинг олқишига сазовор бўлди.

Суратда: Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мўътабархон Раҳмонова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)
олган сурат.

Жисмоний тарбиянинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни ҳаракатлантирувчи фаолиятга ўргатиш, уларни фаолликка чорлашдан иборат. Шу билан бирга, ўғил-қизларимизнинг билим ҳамда инсоний фазилатларини ҳам уйғун тарзда шакллантириб бериш жисмоний тарбия фани ўқитувчилари зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

мустақил машқлар ниҳоятда аниқ ва тўғри юктамалардан иборат бўлиши керак.

Одатда, машқлар энгилдан-мураккабга ўтиб бораверади.

Қуйида тажрибадан келиб чиқиб, ёш тоифасига хос мустақил бажа-

Bolalar sporti

9. Нарвонга қўл тираб, оёқларни 20–40 марта юқори кўтариш.

10. Мувозанат машқлари.

11. Акробатика машқлари: олдин-

ЭРТАЛАБКИ БАДАНТАРБИЯ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАДИ?

Бунинг учун ўқувчилар онгига жисмоний тарбия билан шугулланишнинг ҳеч қандай зарарли томони йўқлигини, аксинча кони фойда эканини назарий ва амалий мисоллар ёрдамида сингдириш талаб этилади. Бунда ўқитувчилар қуйидагиларга алоҳида аҳамият қаратиши лозим:

— дарс учун зарур бўлган ҳаракатлар: юриш, югуриш, сакраш, предмет улоқтириш, арқон ёки нарвонга тирмашиб чиқиш, мувозанатни сақлашга ўргатиш;

— гавдани тик тутган ҳолда тўғри нафас олишни ўргатиш;

— жисмоний машғулот ва ўйинларга ҳавас уйғотиш;

— гигиеник малака ва одатларни шакллантириш, бадантарбия машғулотларидан сўнг ювиниш, спорт кийимларини тоза тутишни ўқитиш;

— кун тартиби ва чиниқиш машқларидан хабардор қилиш. Ўқувчиларнинг эрталаб бир хил вақтда уйғонишига эришиш учун уларнинг ухлаш вақтини ҳам тўғри ташкил этиш.

Эрталабки гигиеник бадантарбия уйқудан фаол ҳаракат ҳолатига ўтишни жадаллаштиради. Шунингдек, марказий асаб тизимини табиий шароитга мослаштиради ва барча тана аъзоларини фаоллаштиради. Энг асосийси, тонгги бадантарбия ўқувчиларнинг кайфиятига ижобий таъсир этади.

Имкони бўлса, эрталабки бадантарбия машғулотларини очиқ ҳавода бажариш лозим. Хонада бўлса эшик-деразаларни очиб қўйиш тавсия этилади. Эрталабки бадантарбия машқлари оддий юришдан бошланиб, оҳиста югуришга ўтади. Сўнгра гавда ҳамда мушак тизимлари бирин-кетин ҳаракатлантирилиб, тадрижий машқларга ўтилади. Бош, елка камари, гавда, қўл, бел ва оёқлар учун мўлжалланган машқлар бажарилади. Машқлар оралигида 20–30 сония нафас ростлаш ва мушакларнинг зўриқишига йўл қўймайлик керак.

Ҳар бир ўқувчи тонгги бадантарбия машқларини бажариш чоғида ўз олдига муайян мақсад қўйиб, шунга мос равишда аста-секин мураккаб-роқ машқларни ҳам эрталабки бадантарбия машғулотлари рўйхатиغا киритиб борса, албатта, ўз самарасини беради. Тонгги машқлар учун 15–20 дақиқа вақт ажратсангиз кифоя. 2–3 дақиқа давомда танани совутиб, ундан кейингина ювиниш тавсия этилади.

Табиийки, кун тартибидоғи асосий масалалардан бири овқатланиш рационини тўғри ташкил этиш ҳисобланади. Овқатланиш учун муайян бир вақтни белгилаб қўйиш ва унга қатъий амал қилиш керак. Бу овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ва танага син-

гишига ёрдам беради. Шугулланишдан 2–2,5 соат олдин, машқларни бажаргандан кейин эса, 30–40 дақиқа ўтиб овқатланиш мақсадга мувофиқ.

Мақтаб ўқувчиларининг умумжисмоний тайёргарлигини ошириш учун дарс ва дарсдан ташқари вақтларда мустақил шугулланишнинг афзалликларини тушунтириб бериш лозим.


Ўқувчи мустақил шугулланаётганда ўзи учун муайян кун тартибини тuzиб олиши муҳим. Кун тартиби организмнинг фаолият юритиши ва қайта куч тўплаши учун оптимал шарт-шароит ҳозирлайди. Тўғри тuzилган, қатъий кун тартиби организмда муайян фаолият режимини вуждга келтиради. Натижада мустақил шугулланадиган ўқувчи бошқа жаҳаларда ҳам ўз фикрига, дунёқарашига эга бўлади. Ўз кучига, ирода-сига, имконияти ва салоҳиятига ишонч ҳисси пайдо бўлади.

Табиийки, ҳар бир шахс жисмоний тарбия билан мустақил шугулланишда шароитдан келиб чиқиб, умумий қоидаларга риоя қилган ҳолда ўз кун тартибини тузади. Бунда инсоннинг ёшига хос функционал ва жисмоний имкониятлари ҳам инобатга олиш керак. Биз ўқитувчилар шогирдларимизнинг ёшига, жинсига мувофиқ тарзда мустақил бажариши мумкин бўлган машқлар ёки спорт турларини тавсия этишимиз ва уни назорат қилиб туришимиз лозим.

Масалан, 7–11 ёшли болалар мустақил бажариши мумкин бўлган машғулотлар, асосан ҳаракатли ўйинлар ёки тез-тез дам олиш имконини берувчи қисқа ҳаракатлардан иборат.

12–16 ёшли болалар эса, тез-тез бажариладиган машқларни ўрганиши мумкин. Чунки, мазкур ўсмирлик ёшида улар жинсий жиҳатдан ҳам шакллана боради. Асаб тизимининг қўзғалувчанлиги ортиши туфайли, бола организмнинг жисмоний зўриқишларга мослашиши кийинлашади. Турли кишиларда турлича кечадиган жинсий жиҳатдан етилиш жараёнида жисмоний машқларни эҳтиёткорлик билан ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

16–19 ёшга бориб болаларда суяк ва мушакларнинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етади. Гавда вази ортади, бўйи чўзилади, билаларга куч-қувватга тўлиб, майда мушаклар ҳам интенсив равишда ривожланади. Шунингдек, ўсмирлардаги ривожланиш, асаб, юрак, қон-томир ҳамда нафас олиш тизимининг функционал ҳолати катталарга хос бўлган ўртача кўрсаткичларга яқинлаша бошлайди. Демак, бу ёшдаги ўсмирлар бажарувчи



риш мумкин бўлган машқларни синфлар кесимида тавсия қиламиз.

га, орқага ўмбалоқ ошиш, "кўприк" яшаш ва ҳоказо.

1–4-синф ўқувчилари учун:

1. Тонгги бадантарбия машқларидан 5–6 тасини 3 мартадан такрорлаш.

2. Оёқ учиди аргамчида 50 марта сакраш.

3. 20–30 метрга тез югуриш ва 200–400 метрга оҳиста югуриш.

4. Турган жойдан узунликка сакраш.

5. Турниқда тортилиш (2–4 марта).

6. Қўлларга таяниб, тирсакларни букиб-ёзиш.

7. Ерга чизилган тўғри чизик устида мувозанат сақлаб, ўтириб-туриш.

8. Чўнкайиб ўтириб, олдинга ва орқага ўмбалоқ ошиш, кураклар ёрдамида тик туриш.

5–7-синф ўқувчилари учун:

1. Ҳар куни эрталаб гимнастик машқларни бажариш.

2. Турниқда тортилиш (5–10 марта).

3. Қўлларга таяниб, тирсакларни букиб-ёзиш (10–20 марта).

4. Чалқанча ётиб-туриш (12–25 марта).

5. Бир маромда 5–8 дақиқа юриш.

6. Бир ва икки оёқда жойда туриб, сакраш.

7. Ўтириб-туриш (2 ва 1 оёқда).

8. Аргамчида сакраш машқлари (3 дақиқа).

8–9-синф ўқувчилари учун:

1. Эрталабки бадантарбия машқлари.

2. Турниқда тортилиш.

3. Қўлларга таяниб, тирсакларни букиб-ёзиш.

4. Бир маромда югуриш.

5. Тез югуриш машқлари.

6. Мувозанат машқлари.

7. Чалқанча ётиб-туриш машқлари.

8. Аргамчида сакраш машқлари.

9. Нарвонга қўл тираб, оёқларни баланд кўтариш, жойида югуриш.

10. Икки оёқда ва бир оёқда ўтириб-туриш.

12. Акробатика машқлари.

13. Юк кўтариб югуриш.

14. Қисқа масофага тез югуриш.

15. Кичик тошлар билан машқлар бажариш.

Кўриниб турибдики, юқоридида тавсия этилган машқларни ҳар қандай шароитда бажариш мумкин. Ҳар томонлама соғлом бўлишни, гавдаси меъёрида ривожланишини истаган ўқувчи бунга амал қилса, фойдадан холи бўлмайд.

Абдурахмон ҚИЛИЧОВ,

Каттақўрғон туманидаги

56-мактабнинг жисмоний тарбия

ўқитувчиси

ФИНАЛГАЧА ОЗ ҚОЛДИ

Машҳур теннисчи Мария Шарапова Мельбурн шаҳрида давом этаётган Австралия очик чемпионатининг ярим финалига йўлланма олди.



Шиддат ва мурасасизлик борасида мухлисларга заъв улашган чорак финал қарама-қаршилигида Мария хамюрти Екатерина Макаровани икки сет натижасига кўра, 6:2, 6:2 ҳисобида енди. У энди финал йўлланмаси учун хитойлик рақибни На Лига қарши кортага чиқади.

Иккинчи ярим финал ўйини қарама-қаршилиги бугун аниқ бўлади. Унда беларусь ракеткачиси В.Азаренко россиялик С.Кузнецова билан мусобақага киришса, америкалик С.Уильямс юрдоши С.Стивенс билан куч сынашади.

Эрақлар ўртасидаги матчларда испаниялик Давид Феррер биринчи ярим финалчи бўлди. Кеча Новак Жокочич ҳам финал сари яна бир қадам ташлаб, Томаш Бердихни енди.

15 МИЛЛИОНГА КЎНМАГАНДИ...

Кишки трансфер ёпилиши арафасида Голландия терма жамоаси ярим химоячиси Уэсли Снейдер Миланнинг "Интер" клубини тарк этиб, Туркиянинг "Галатасарой" жамоаси билан шартнома имзолашга улгурди.



Снейдер айна кунларда тиббий кўриқдан ўтмоқда. Шундан сўнг у Туркия чемпионати доирасидаги учрашувларда "Галатасарой" клуби шарафини химоя қилади. Манбаларда келтирилишича, 28 ёшли Снейдерни "харид" қилиш учун клуб раҳбарияти 7,5 миллион евро сарф қилган.

Снейдер "Интер"га 2009 йили ўтганди. У миланликлар сафида Европа чемпионлар лигаси бош соvrинини ҳамда мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

Ўтган йили ёзда уни "Анжи" жамоаси ўз сафига чорлаганди. Ажабланарлиси, ўшанда Уэсли учун 15 миллион евро камдек туюлганди...

ҲУРМАТЛИ МУАЛЛИМЛАР, ҚАДРЛИ УСТОЗЛАР, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ!

Сиз **Таълим Тараққиёти** га эришиш, тажрибангиз **Tarbiya** орқали юксалиши ва оммалашини, фаолиятингиз **Таълим Менежменти** бошқарувида давр талабига мос бўлишини истайсизми?

Унда *Халқ таълими вазирлиги муассислигида чоп этилаётган ушбу нашрларга 2013 йил учун давом этаётган обунада фаол иштирок этинг.*

Мазкур нашрларда *Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида бериб борилаётган таълим тизимидаги ислохотлар, илғор тажрибалар, замонавий дарслар, илм-фан янгиликлари, илмий изланиш ва тадқиқотлар ҳамда маънавий-маърифий руҳдаги қизиқарли материаллар ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашингизда Сизга яқиндан кўмак беради.*

Эслатиб ўтамиз, «Таълим менежменти» журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий Аттестация Комиссияси Президиумининг 2011 йил 24 мартдаги 171/5-сонли қарори билан педагогика фанлари бўйича фан доктори илмий даражасини олиш юзасидан ОАК илмий журналлари рўй-хатида киритилган.



ЖУРНАЛЛАРНИНГ ОБУНА ИНДЕКСЛАРИ:

Таълим Тараққиёти e-mail: t_taraqqiyoti@inbox.uz
ТАШКИЛОТ ВА ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН -1056

Tarbiya e-mail: tarbiya@inbox.uz
ТАШКИЛОТ ВА ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН -1121

Таълим Менежменти e-mail: t_menejmenti@inbox.uz
ТАШКИЛОТ ВА ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН -927

УНУТМАНГ, ҲАМКОРЛИГИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИМИЗНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим, сан ва маданият ходимлари касба uyushmasi Markaziy Kengashi.

Бosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



ИНДЕКС: 149, 150. Г-118.
Тиражи 68198.
Нajми 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maхsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Timur KAYSAROV,
Liliya BINASHEVA.
Navbatchi muharrir:
Xulkar TO'YMANOVA.
Navbatchi:
Jo'rabek JANGIROV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bostaxonasi.

Korxonada manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

УЗА якуни — 21.40
Topshirildi — 23.40